
Олимжон Холдор

К Ў Н Г И Л
(Қисса)

«Андижон» нашриёти

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, шоир ва драматург Олимжон Холдор ушбу асарида замондошимиз бўлган аёлнинг ички кечинималари, руҳий изтиробларини кундалик дафтарга битилган хотиралар, таассуротлар тарзида очиб беради. Бизнингча, бу қисса муҳтарам китобхонга аёл қалбини теранроқ билишга, уни тушунишга кўмаклашади.





Бу дафтарни менга шаҳар ички ишлар бошқармаси ходими, яқини бир ташишим топширар экан, деди:

— Авгобус ҳайдовчиларидан бири ўзида уч ой сақлаб, эгаси чиқмагач, бизга олиб келиб берган эди. Биз ҳам суриштирдик-қидирдик. Эгасини тополмадик. Дафтарда на эгасининг кимлиги ва на унинг манзилгоҳи ёзилган. Ҳатто дафтарнинг бирор жойида бунга имо-ишора ҳам йўқ. Ҳар ҳолда дафтар аёл кишиники эканлиги маълум. Сенинг ёзувчи танишларинг кўп. Балки бу улардан бирортасининг қўлёмасидир...

Мен дафтарни олдим-у типчим йўқолди, унга-бунга кўрсатдим, эгаси чиқмади.

Бу воқеага бир йилдан ошди, азобда қолдим. Ҳар гал уни қўлга олганимда «бировнинг дафтарини ўқиш одобдан эмас» деган андиша шаштимни қайтаради. Мана, бугун яна қўлга олдим. «Эгаси бўлмагач, ўқисам нима қипти» деган ўй ҳаёлимни тамоман банд этди. Дафтарнинг у ер, бу ерига кўз югуртирдим: ажойиб саргузаштлар, севги изтироблари, хилма-хил тақдирлар, хуллас аёллар дунёсининг биз эркаклар учун туманли бўлган сирли олами кўз олдимда пайдо бўла бошлади. «Кундалик»ни бир ўтиришда ўқиб чиқдим. Эртасига дўстларимнинг бирига «сирли дафтар» ҳангомасини сўзлаб бердим.

— Гапларингга қараганда у шунчаки «кундалик»ка ўхшамайди, агар рози бўлсанг, майли, уни мен ҳам ўқиб чиқай. Шундан кейин бир фикрга келармиз, — деди у. Рози бўлдим. Эртасига учрашдик. У мени кўриши билан қучоқ очиб кела бошлади. Қўлимни маҳкам қисиб деди:

— Ажойиб саргузаштлар экан, эгасини топиш керак. Шу вақтгача ҳеч ким... ахир бу топилма-ку, маза қилдим, сен бунини ноширларга топшир, балки китоб қилиб чиқаришар, зеро шунда эгаси топилса.

Дўстимнинг гаплари менга қанот берди. Мен «кундалик»нинг икки кишигагина алоқадор бўлган баъзи «сирли» жойларини қолдирдим ва машинадан чиқартирдим, нашриётга топширдим.

Орадан бир неча ой ўтгач, уйга мактуб келди. Унда қўл-ёзма маъқул топилганлигини айтиб, битим тузиш учун мени нашриётга таклиф қилган эдилар. «Мен ёзувчи бўлмасам, дафтар эса мен ҳеч қачон кўрмаган, танимаган одамники бўлса...» Нима қилишимни билмайман: Шу вақт ўйларим ёришди. «Қитоб бўлса, тарқалса, балки эгаси топилар» деган қарор менга мадад берди.

* * *

Инсон умри дафтарга ўхшайди. Болаликда жуда беғубор, қордек оппоқ бўлади. Кейинчалик ёзилади, ёзилади, ёзила-веради. Уни албатта биров эмас, ҳар ким ўзи ёзади. Дафтар тугагач, табийий, у ёпилади. Умр ҳам худди шундай.

Энди ўша дафтарнинг саҳифаларига келсак, саҳифалар инсон умрининг кунлари, ҳафталари, ойлари, фасллари, йилларидир. Баъзан ўша саҳифаларни ўқилса ўқилгудек, айтилса айтилгудек унутилмас лавҳалар, воқеалар безайди. Унда сўқмоқлар ва катта йўллар, муҳаббат ва учрашувлар, рашклар ва ажраллишлар, висол ва ҳижронлар, баъзан эса умидсизликлар, рўёбга чиқмаган ва чиқолмаган эзгу-ниятлар, тубеиз ҳаслллар, ўксишлар, камситишлар, ўз-ўзидан чўчишлар, занжирли изтироблар ва бошқа-бошқалар рақам этилади.

Баъзан ўша дафтаримиз саҳифаларига эҳтиётсизлигимиз оқибатида сиёҳ тўкилади, дилларимиз сиёҳ бўлади, доғ тушади. Кўнглиларимиз доғланади. Баъзан ҳафталаб, ойлаб ҳеч нарса ёзилмайди, у бўм-бўш қолади. Баъзан эса ёзиб бўлмас айблар, гуноҳлар, хатоларнинг ўрнини ҳам очиқ қолдирамиз, ёзмаймиз. Бунинг сабабини фақат бир ўзимиз у яратганининг ўзи билади.

Менинг «кундалик» деб аталувчи умр дафтарим ўзгичлар-ниқидан сал бошқачароқ. Мен бунга ўз шахсий дарду ҳасратларимнигина эмас, бировларнинг изтиробларини, эл-юрт шодликлари-ю ташвишларини, кўрганларим, эшитганларим ва кечирганларимни ҳеч қолдирмай ёзишга ҳаракат қилдим.

Мен гоҳо хилма-хил тақдирлар, қисматлар, ноҳақликларни кўрсам исён қилгим келади. Афсуски, бор гапни айтганлар ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам кўпларга ёқмайди. Мен буни яхши биламан, ҳамма билади.

Аэизлар, яратганининг ўзидан бир тилагим бор: нима бўлса бўлсин, айтадиган, ёзадиган гапларим битмай, дафтарим тугаб қолмаса бас.

Мана, энди бизга қунту, сизга бардош ёр бўлсин!

* * *

Уйимизда олдингидай эмасман. Ота-онам ортимдан ғалати боқаётгандай эди. Балки «бўйим етиб» қолганлигини кўнгилларидан ўтказарлар. Бундай ҳолларда уяламан, ҳижолат бўламан. Баъзан қўни-қўшнилари, потаниш хотинлар «висир-висир»ларининг устидан чиқиб қоламан. Улар мени кўрдиларми бас, дарҳол жим бўлишади.

Мана бугун ҳам уйимизда потаниш аёллар ўтиришибди. Мен салом бериб, ичкари уйга кирдим. Ошхонада тик туриб, тез-тез овқатландим-да, чиқиб аямга қараша бошладим. Назаримда «меҳмонлар» менинг ҳар бир хатти-ҳаракатларимни кузатиб тургандай эдилар. Ғашим келди. Хотинлардан бири:

— Қизим, бизни тапимадингиз, қариндошингиз бўламиз, — деб қўлини узатди. Мен ҳам ноилож зимдан тикилдим-да, қўл чўздим. «Қанақа қариндош, ҳеч кўрмаганман» деган ўй хаёлимдан кечди. Бу потаниш қариндошларни нима учундир хуш кўрадим, юрсанг-турсанг ортингдан кузатувчиларни умуман ёқтирмайман. «Меҳмон»лар кўзларидан сал нари кетдимми, тагин «висир-висир» бошлади. Ҳатто баъзи гаплари қулоқларимга чалингандай бўлади. Ўзимни бепарво кўрсатишга ҳаракат қиламан. Ҳозир уларнинг тезроқ кетишини сўнгра аямдан улар кимлар эканлигини аниқроқ билмоқни истардим. Аяжоним менга ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмайдилар. Бизнинг тилимиз бир.

Меҳмонлар кетадиган бўлиб қолишди, мен уларнинг ортларидан чиқмадим. Лекин дераза ёнида туриб, «яна келамиз» деганларини эшитиб, юрагим «шинг» этиб кетди. Аяжоним қайтиб келиб менга тикилдилар, ҳозир кўзларимда аллақандай сирли саволлар ўйнаётганини сездилар шекилли:

— Қизим, ўз қариндошларимиз, яхши одамлар, — деб қўшиб қўйдилар.

— Нега мен уларни ҳечам кўрмаганман?

— Сенга қандай тушунирсам экан, ота томондан узоқроқ қариндошимиз, «беғона бўлиб кетдик!» — Бу гапларнинг маъносини ҳали унчалик тушуниб етмасам-да, кўнглимда ғашлик тугуни пайдо бўлди. Ҳозир ёш боладай, алданаётгандай эдим.

* * *

Орадан бир ой ўтгач, «қариндошлар» яна остонамизда

пайдо бўлишди. Бу сафар унаштиргани келишганди. Дам билан аям розилик беришибди. Мен-чи?! Мендан улар сўрамадилар ҳам. Бундан хабар топган қўшни қизлар ёнимга келишиб туртишар, қиқирлашар, табриклашарди. «Тани бошқа — дард билмас». Улар менинг юрагимдаги доғу ҳасратларимни қаёқдан билишсин. Уларга тўй бўлса, бас.

Ақлли одамлар ҳам бор экан, «кўнгиллари борми-йўқми билмасдан... Тўй бўлса, бўлар, тагин бир умр сизлардан дод деб ўтишмасин!» дейишибди.

Куёв ким? У мени яхши билармиш мен-чи? Мен кўрган ҳам эмасман. Охир бетимни сидириб айтншга мажбур бўлдим.

— Аяжон, нималар бўляпти? Наҳот мен бутун болалигим ўтган хонадонга энди ортиқчалик қилаётган бўлсам?!

— Нега ундай дейсан, қизим?..

Аям шўрлик бошқа гап топа олмадилар. Томоғига алла нарса тиқилгандай бўлди. Мен ортиқ ҳеч нарса демадим. Ўйларим чувалашди, кам уйқу бўлиб қолдим. Тошкентда ўқиётган, ўйларимга ҳоким бўлган, хаёлимдаги ўша йигит билан ҳам энди бир умрга видолашаётгандай эдим.

Олий билимгоҳга киролмасам ҳам катта бахт кутаётгандай, армонларим ушалаётгандай кўринар, гоҳо эса юрагимни ларзага келтирувчи қўрқинчли ваҳималар босарди. Бу «янгилик»лардан кейин бу дунёда яқкаланаётгандай эдим.

* * *

Бўлажак куёвим билан бир неча бор учрашдик. Ҳар гал у ўзини мендан баланд тутини шундайгина сезилиб турарди. Ҳали тўйимиз ўтмасданоқ ўксин бошладим. Дардларимни кимга айтай, энди бари бефойда. Тўйга ҳозирлик кўрилкоҳда. Мен бу ҳақда батафсил ёзмоқни ўзимга эп кўрмадим. Тўй, тўй-да!

Келин бўлиб тушдим, улар мени ардоқлардилар. Бироқ, бу ерда каттадан-кичиккача ҳаммага тенг букилишим керак. Одатларимиз буни тақозо этади. Янги хонадоннинг имтиҳонлари ҳам бир олам.

Тўйдан сўнг юз очди бўлди, қариндошлар, дугоналарим йўқлаб келишди. Мен уларга елиб-югуриб хизмат қилишим, янги хонадоннинг барча «имтиҳон»ларидан ўтишим ҳам керак эди. Келинчакликнинг бурчи жуда мушкул, ҳамма уни мақтаб кетиши керак,

Ҳар бир қиз турмуш қилгунча олам-олам ширин хаёллар ўйлар оғушида яшайди, тушларида фариштаянглиг осмонда парвоз қилади. Бўлажак куёви ким бўлиши билан жуда-жуда қизиқишади. Ҳатто эртақлардагидек шаҳзодаларга малика бўлишни орзу қилдилар, қўшиқлардагидек боражак хонадонининг остонаси тиллодан бўлишини ўйлашади. Бундай тотли хаёлларга бормаган бирорта қиз зоти бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Мен ҳар гал кўзгу ёнига келганимда шундай ўйлар бошимдан кечарди. «Ортиқча ҳиссиётга берилмаслик керак» деб ўзимга-ўзим далда берардим.

Мана, менинг ҳолимни кўриб турибсиз. «Келин бўлган билар келин аҳволини» деганлар ҳақ экан.

Борди-келдилар тинди. Орзуларим бир туш, бир хаёл ва сароб янглиғ ортада қолди. Кўп ўтмай бу хонадонда яна бир «висир-висир» пайдо бўлди. Менинг қариндошларим бунчалар сабрсиз. «Келинимизнинг боши қоронғи бўлмаёптими-кан?!» деган гаплар шу гуноҳкор қулоқларимга чалинди. Ҳа, улар уятни ҳам билмайдилар.

Ушбу сатрларни ёлғиз қолганимда йиғлаб ўтириб ёзяман. Тақдир деганлари шумикан?! Бу ҳам етмагандай аям ҳам ҳар келганларида юз-кўзимга синчковлик билан қарайдилар. Назаримда улар мендан аллақандай «бош айланиш», «кўнгил безовта бўлиш» каби гапларни эшитишни истардилар.

Гарчи мен бу ҳолатларни бошдан кечираётган бўлсамда, ҳеч кимга билдирмасликка ҳаракат қилардим.

Эрим яна бугун ичиб келди. Кўча дарвозасини оёғи билан тепди. Ярим тунда қўни-қўшнилари безовта қилди. Мен чироқни ёқиб, дарвоза томон шошилдим. Ўғлининг одатларини яхши билган қайнонам дарвоза ёнида турарди. У мени «нари туринг» деб туртди-да, ўзи пешвоз чиқди.

Куёвимнинг афти-башарасига қараб бўлмас лой, ёнидаги улфатлари ҳам ўзидек оёқда аранг туришар ва тебранишарди.

Остона ҳатлаб-ҳатламай менга ва қайнонамга тушуниб бўлмас бир оҳангда гапира кетди.

— Булар меннинг қиё-мат-лик дўстларим. Қани, хоним, бир хиз-мат қилиб юборинг, ҳозир па-палов ясайсиз, бўри-дай оч-миз!

Мен бир қайнонамга, бир уларга қараб жавдирардим.

Қайнонам ўглини гадаблаш ўрнига менга юзлашиб:

— Келин, эриңгиз айтганини гатоп қилинг, улфатлари олда беобрў бўлмасин, — деди буйруқ оҳангида.

* * *

Мен уларни меҳмонхонага таклиф қилдим, паловга уриндим. Ош пишгунча эримдан қанча-қанча дашномлар эшитдим. Бу ҳол биринчи бўлаётгани йўқ. Ҳа, мен кўникмоқчи бўлдимми, билмадим.

«Сабрнинг таги олтин» деган мақолни қайнонамдан эшита вериб кўникиб кетган эдим. Эримнинг ширакайф улфатлари эртамангача ичишди, кимнидир гадаблаб, кимнидир «отаўғил», «хўроз», деб мақташарди...

Эримнинг хунарлари ортиб борарди. Қай бирини ёмоққа ҳайронман. Баъзан эрим тонг отганда кайф ҳолда остонада пайдо бўларди. Уни суяб олиб кираман, ётқизаман, оғзидан пожуя гап чиқмасин, қўшнилар эшитмасин, дейман, ёлвораман...

* * *

Биринчи фарзанд дунёга келди. Ҳамма хурсанд. Ота-онамни айтмайсизми, уларнинг оғизлари қулоғида, бошлари осмонда. Туғруқхонадан чиққунимча эрим бир марта ҳам келмади, унинг ўрни бошқа экап, ахир боламнинг дадаси-ку? Буларни ўйласам ич-ичимдан эзиламан, у мени одам ўрнида кўрмаётгандай эди, алам қилар экан одамга.

Қайнонам ва аям бир такси тутиб уйга олиб келдилар. Ҳамма бизни янги меҳмон билан табриклашарди. Аммо эримнинг чеҳраси очилмади, туғруқхонада ётганимда қандайдир сенилтак аёл билан танишиб олиб, бир неча кун уйга келмабди. У фарзандли бўлганидан хурсанд эмасди. Бу саргузаштларини айтмасам ҳам бўларди. Дардимга дард қўшилмоқда. Яхиниен тузалай, кейин бир гап бўлар дедим. Чақалоқни қўлига ҳам олиб кўрмади у. Қайнонамнинг:

— Уғлим, болаиң қўлиб қўйгандай худди ўзингга ўхшайди-я, — деган гапларига парво ҳам қилмагани мени айниқса ҳайратга солди. У бир кун очикдангочиқ «бола меникимас» деса бўладими?!

Вой шўрим! Бу нима дегани? Бу одамнинг эси борми? Бошимдан совуқ сув қуйилгандай бўлди, ақлим оза ёзди. Ҳали қирқим чиқмай чақалоқни кўтариб аямларникига кетдим. Йўлимши тўсиб «келин, қайтинг!» дегувчи топилмади. Аммо, бу ерда бўлган гапларни ҳеч кимга айтмадим. «Қайфнинг ҳарорати» дедим-да қўйдим.

Қушлар ўтди, на ундан ва на қайнонамдан дарак бор. Баъзи «миш-миш»чиларга бўлиб берди. «Ундаймиш-бундай-миш»... Маломат осмонининг қора булутлари менинг бошимда чақмоқ чақиб, сел қуйдирадди. Ҳамма ухлаганида болагинамга қўшилиб йиғлайман, кўзимнинг нами қолмади, паст-кп қовоқларим шишиб кетадиган бўлиб қолди. Ноинсоф одам, бошқа аёл билан илашиб юрганларини яшириш учун ўз фарзандини тан олмасе-я? Бу гуноҳ. Ахир бундай гуноҳни худо ҳам, бандаси ҳам, ҳеч ким, ҳеч қачон кечирмас; деб ўйлайман.

Ҳаётнинг кетма-кет қақшатғич зарбаларига дуч кела бошладим. Менга-ку майли-я, гўдак-чи, «кўрмаймиш босдим тикопни, тортадурман дардини». Ота-онам пинжида номард эрдан нола чекапман. Боламнинг тунги «нига»лари бағримни чок-чок этар, тонг отгунча борлигимни унутаман.

«Бола меники эмас» деганида, нимага шама қилди, у кимники бўлмасе? Бу саволларни унинг юзига шартта солиб ташласам бўлмасмиди? Менинг аёллигим, заиф томоним ҳам худди мана шунда эди-да. Аслида уни мен тергашим, айблашим керак эди-ку? Нега энди у мени айбляпти. Бу гапларни кимга айтаман, ким мени тинглайди? Дарди ҳасратларимни фақат дафтарга тўкаман, дафтарга муҳрлайман.

* * *

Катталар ўртага тушиб бизни яраштириб қўйдилар. Яраштириш деганларни бу ўта расмий, эски гап. Барбод бўлган оилани қайта мустақкамлаш дегани. Хўп, шу билан иш битдими, ҳаёт оқими син-силлиқ кетадими, ўртадаги гиналар, губорлар, доғлар, шубҳалар-чи, иш узилгач, ундан қоладиган тугунлар-чи? Буни катталар ўйлаб кўрганмикан?!

* * *

Биз яна бирга «яшаяпмиз». Лекин қандай? Мен ўз ҳаёлим, ўз ўйларим билан, у одамнинг борлиги-йўқлиги мен учун энди тамоман аҳамиятсиз...

* * *

Мен албатта олдинги мушги, кўнгли синиқ, эрнинг ситамларига дош берадиган жувон эмасман. Фабрикага ишга кирганман, атлас тўқийман, янги дугоналар, дўстлар орттирдим.

Одам тафтини одам олади, деганларига энди ишондим. Иш билан маҳлиё бўлиб ёмон тушдай кечмишларимни оз бўлса-да, унута бошладим. Уйга қайтганда яна ўша-ўша,

хуллас иккимизга бир хонанинг ҳавоси етишмай қолаётгандай эди. Уни қанча ҳурматлашга ҳаракат қилмай, бари бир сохта, ясама бўлиб кўринар, ҳатто ўзимни-ўзим ҳақорат қилгандайман. У ўз қилмишлари, айбларини тан олди, бироқ мен кечирармидим, албатта йўқ.

Иккинчи фарзандимиз дунёга келди, қутлашди. Қизим ва ўғилчам билан ўралашиб қолишни асло истамас эдим.

Эримнинг парвойи палак, у бир жойда тиниб-тинчиб ишламайди. Ичишни тарк этмади. Қўни-қўшнилари уни тартибга чақирди. Бари бир кор қилмади. Энди фақат бир йўл бор: у билан ажрашиш керак. Мен бу ҳақда сирдош дугонамга тил ёрдим. У: «одамлар нима дейишаркин, эрсиз уй баракасиз бўлади», — деб насиҳат қилган бўлди. «Қандай баракасиз бўлсин, ўзим ишлаб, ўзим топсам», у эр бўлиб менга ёки болаларга кўмаклашмаса? Аксинча бор нарсани совуради... Тўғри, бизга эрк бердилар, кўзимиз очилди. Қани эди шу эрк берилмаган бўлса, олдингдай, момоларимиздай остопа хатлаб ташқарига чиқмай кун ўтказсак. Бу машмашалар ҳам бўлмасмиди. Эркаклар ҳар қадамда шу арзимас «эрк»ни юзимизга солишади.

— «Мен кетсам ҳолларинг не кечишини биласанларми, энг аввало болаларинг безори, ўзинг эса, ўзинг..»

Мен ҳам бўш келмадим:

— Сочларимни супурги, қўлларимни касов қилиб бўлса-да, болаларимни тарбиялайман, ўқитаман, одам қиламан. Болалар шундай кишилар бўлсинки, сиз ҳали уларнинг юзларига қарай олмайдиган дамлар келади. Уларни ҳар кўрагингизда кўзларингизга ёш оласиз, йиғлайсиз, кечирим сўрайсиз, аммо унда кеч бўлади!

— Кўраман ҳолингни, болаларингни етаклаб, йиғлаб ортимдан излаб юрмагин тагин.

— Ҳеч қачон!

— Кўраман!

— Ўлмасам, оллоҳнинг инояти билан ўша шувит юзларингни ҳаммадан яшириб юришларингизни кўраман...»

Бу фақат эрим билан бўлиб ўтган ҳангомалардан бири эди. Мен буни оғир дамлардан хотира бўлсин учун кундалигимга қора туш билан ёзиб қолдирдим.

* * *

Бугун якшанба, эрим яна ичиб келди. Болаларим пинҳимда «дағ-дағ» титрар, юраклари ёрилгудай қўрқардилар. Уни одатдагидай тинчитишга ҳаракат қилдим. ялиндим-ёл-

бордим, бўлмади. Ҳар гапида «сен мен учун копейкасан» дер, болаларнинг олдида ҳақорат қилар, сўкар эди.

Охири тақдиримга лаънатлар айтдим, ўтган умримга ачиндим, болаларим эса мен билан қўшилишиб йиғлашарди.



Ана у, оғзидан кўпик сочиб, бақриб ётибди. Юрагимда пайдо бўлган алам ва нафратларни қандай ифодалай, ҳозир ақлим ҳам мендан бегонадай, нима қилишимни билмайман. Яна қўлимга қалам олдим. Бу гал дафтарга эмас, бошқа бир қоғозга дардларимни тушурипман. Шояд у кайфи тарқагач ўқиб чиқар:

«Мени ксчиринг, сиз мени доим ҳақорат қилиб келдингиз, одам ўрнида кўрмадингиз, мени тупроқ деб атадингиз. ялиндим-ёлбордим. «Андишанинг отини кўрқоқ қўйдингиз», ҳаммасига бардош қилдим, худбинлигингиз ҳаддан ошди, чиддим. Менинг орзу армонларим сиз билан ушалмаган экан. болаларимдан кўрарман деган умидда чанқоқ яшадим. Мен сизга ҳозир ҳам таъна қилаётганим йўқ. Билишимча, сиз болаларимга оталик қилолмайсиз. Бунга кўзим етади, ситамларингиз, ноўрин дашномларингиз етар.

Сиз нима учун бунчалик тубапликка, ичкиликбозликка берилиб кетганлигингизни билолмадим, балким ўзингиз айтгандай, мен «копейкадирман», ундай бўлса нима қиласиз уйга келиб, бизни тинч қўйишг, ўша топганингиз билан хоҳлаган ошингизни ичаверсангиз бўлмайдими? Рост гапни айтсангиз сиз ҳам, мен ҳам одамлар оғзида бунчалар афсона бўлмас эдик, сиз мени очикчасига ўзингиздан бездириш учун шу қилиқларни қилаётганлигингизни фақат кечроқ англадим. Сиз кўнгил пиёласини чил-чил синдирдингиз. Энди сира ўрнига келмайди. Сиз мени оёқ ости қилиб юбордингиз, кўзим энди очилди. Ғурур нималигини энди-энди англаётгандайман.

Менинг бу хатимни кайфингиз тарқагач ўқирсиз, балки ўқимассиз, мен учун бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Аммо, мен биламанки, йиллар ўтиб қилган бу худбинлигингиз, хатоларингизни анларсиз. Шунда мендан ёдгорлик бўлиб қолган ушбу хатни қайта-қайта ўқирсиз, минг-минг пушайтон қиларсиз, аммо унда кеч бўлади.

Сиз билан бир умрга видолашиб қолувчи



Хатни у ётган каравотнинг шундайгина ёнида қолдирдим, болаларимни етаклаб бу ғурбатхонадан ўз уйимга кетдим.

* * *

Гапнинг рости яшашдан тўйиб кетдим. Унн судга бердим. Маҳалла-кўй, таниш-билишлар мен томон, аммо ҳамма ҳам «оила бузилмаса» деган умидда ёпиштиришга уриниб кўрарди. У одам ўз ота-онасининг гапларига ҳам қулоқ солмади. Суд бизни ўз ҳузурига чақиртирди. Олдинига алоҳида-алоҳида, сўнгра юзма-юз гаплашдилар. Назаримда улар ҳам бизни яраштиришни ўйлаб иш тутаётгандай эдилар. Мен қатъий рад этдим. У одамнинг қилиқлари, болалари ҳақида айтганларини ҳеч қолдирмай ўртага ташладим.

Суднинг: «Уялинг, мунчоқдай фарзандларингиз, дилбар хотинингиз бор экан, кейин аттанг қиласиз, ўрнига келмайди». — деган гапларига у юзсизларча:

— Болалар меники эмас! Хотинимнинг ўзи ҳам буни тан олади. — деса бўладими. Шунда судянинг «шу ростми?» деган саволига:

— Агар бу одам ўз фарзандларининг чинакам оталари бўлганида эди, ҳеч бўлмаса туғруқхонага борарди, мени қўяверинг, бу норасида болалардан хабар оларди. Айтингчи, қайси ота хотини туғруқхонада ўлим билан олишаётганида, бир енгилтак аёлнинг сассиқ кўрпасида итлик қилиб ётади? Бу одамни шунинг учун ҳам, мен болаларимнинг отаси эмассиз, деганман, ҳозир ҳам шундай дейман, — дедим. Сўнгги хатимни эслатдим ва ажралиш ҳақидаги қатъий қароримни билдирдим.

Суд бизни келиштириш учун кўп йўл излади, бўлмади. Биз у билан тамоман ажрашдик. Менга қолса шу куни уни оталик ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилишларини истардим.

* * *

Беаёв йиллар ўтди, болаларимнинг бўйлари чўзилмоқда, улар оталари ҳақида кам нарса биладилар.

Дам олиш кунларининг бири эди. Кўчадан ўғлим йиғлаб кириб: «Ая, дадам қаердалар, топиб беринг, мени болалар етим, дейишяпти!» деса бўладими? Шунда юрак-бағрим эзилиб кетди. Мен ўғлимни аранг юпатдим.

— Дадам келадилар-а? — ўғлим кўз ёшларини арта-арта кўчага чиқиб кетди. Уйда ёлғиз қолдим, роса йиғладим. Дунё кўзимга шунчалар тор, кимсасиз қоронғи кулба-

дек бўлиб кўринди. «Етим». Нақадар даҳшатли сўз бу! Болаларимнинг ёшига ёш қўшилган сайин дардимга ҳам дард қўшилар эди.

* * *

Бугун мен қаноти қайрилган қушдек мажолсиз, беҳолман. Эртага ишга боришим керак, мадорим йўқ. Назаримда ҳамма нарса остун-устун бўладигандай. Мен эримни, «оталикдан маҳрум этганимга» анча йиллар бўлди. Суднинг ажралиш ҳақида фармойишига ўзим «маҳрум этаман» деган сўзларни қўшиб қўйганман. Аммо болаларим ҳар гал оталарини сўраганда минг бор ўлиб, минг бор тириламан. Уларнинг ҳар бир сўроғи қиймаланган юрагимга туз сепади. Бошим қотиб қолди. Эй, яхши одамлар, ёрдам қилинг, адашганга йўл кўрсатинг, маслаҳатингизни аяманг, нима қилишим керак?

* * *

Ўғлим ва қизим пишиллаб ухлашяпти. Яна ёлғиз ўтириб ёзаяпман. Ишларим яхши, фабрикада мени цех бошлиғи қилиб тайинлашди. Кеча шошилиш равишида одатдаги хон атласимизга хориждан сўров келибди. Ишларимнинг юришаётганидан кўнглим бир оз ёришгандай бироқ, бироқ! Гап ўша «бироқ»ларда-да!

* * *

Ота-онам эса ўзлари йўл қўйган тузатиб бўлмас хатолари учун менинг олдимда гуноҳкордай. О, нималар бўляпти, ўзим ҳам англамасдим. Гоҳида ўғлим ва қизим «Дадамлар қачон ўқишдан келадилар?» деб ҳархаша қилишларини ҳисобга олмаганда ҳаммаси жойида.

Олий билимгоҳга сиртдан тайёргарлик ҳам кўряпман. Мен учун баҳор энди келаётгандай, мен парвозга ҳозирлик кўраётган қушдайман.

Ҳа, айтгандай, эримни ўзим «оталик ҳуқуқидан маҳрум этдим», деган эдим. Ундан қутилиш осон бўлмаётир. Мана кеча у ишхонамга келиб, мени суриштириб, «хотиним бўлади» дебди. Бунни эшитиб ниҳоят ғазабим ошди...

Биз, аёллар эркакларнинг доимий эътиорини қадрлаймиз, севамиз. Турилган кунларимиз ва байрамларда иззат-икром қилишларини, илиқ сўзлар ва арзимас совғаларини эса муҳаббат ва садоқат рамзи, деб биламиз, яйраб кетамиз. Қўлимиздан келса оламни уларнинг оёқлари остига тўшасак, деймиз.

Бироқ, бироқ туғруқхонадан симобдай эриб, ўлимларни енгиб уйга келганда, ҳурматини жойига қўйиш ўрнига, ўзга аёллар билан айшу-ишрат қилиб, уларнинг оёқларини яласалар, ўз фарзандларини тан олмасалар, ўзга бузуқ аёлни, бировларнинг болаларини эркалаб, бошларини силаса, уларга оталик меҳрини бермоқчи бўлса-чи, бундайларга нима дейиш мумкин?! Сиз туғруқхонада ётиб, буни қаёқдан била қолдингиз, дерсиз, ҳақсиз, лекин юрак-чи, юрак! У ҳамма нарсани сезади. Ҳа, шундай. Буни бошдан кечирган билади.

* * *

Қаламни дафтар юзига улоқтирдим-да, бир лаҳза ўйга толдим, бу ҳақда ортиқ ёзмасликни хаёлдан ўтказдим.

Бироқ, бироқ яна ўша қизлик даврим, хотинларнинг «висир-висир»лари, ўзини доим ҳаммадан устун қўювчи ўша шошқалоқ олифта, тўйимиз, дашномлар, биринчи фарзанд, туғруқхона ва унинг хиспати, менга етказган азоблар, туҳматлар, сўнгги хатим, ажралишларимиз ҳамма-ҳаммаси бирин-кетин кўз олдимдан ўтди...

Бугун кимдир менга ушшг қаттиқ бетоблигини, ўша айшу-ишрат қилиб юрган «хўроз» улфатлари-ю ўз кўксини очган суюқ аёл ва бошқалар ҳолидан хабар олмай, шифтга қараб йиғлаб ётганини айтди.

Хўш, нима қилай, гинахонликнинг фойдаси не, борсам бўлади-я, лекин ғурурим йўл бермаётир. Болаларим нима дейди? Мен уларга қай юз билан қарайман. «Бағри тошнинг, кўзи ёш» деганлари шумасмикан? Йўқ-йўқ, бағри тош бўлгач, ундайларда кўз ёши нима қилади? Бироқ, бироқ!

Шу кунгача болаларимни алдаб келдим. Ушанда болаларим жуда ёш эдилар. Энди уларга дадалари ким ва қандай одам эканлигини рўйирост айтмасам бўлмайди, қачон бўлса ҳам болалар бу «сир»ни эшитишади. Шунда мен уларнинг қаршисида ким бўламан. Аммо бу сирни қандай очаман?!

Жуда кўп нарсаларни қолдириб кетяпман, ҳаммасини бирма-бир ёзишнинг сира иложи йўқ. Менинг бу дарду ҳасратларим кимга ҳам керак?!

Тунлари ўзим йиғлаб ўзим юпанаман. Болалар кўз ёшларимни кўрмасин дейман, бироқ, бироқ!..

* * *

Эртага байрам. Ҳамма ҳозирлик кўряпти. Мен ҳам бола-ларимни ўқитмаслик учун қўлимдан келган барча ишларни қилдим. Бугун ёки эртага бор гапни уларга айтаман-қўяман, дарддан холис бўламан, аҳдим қатъий!

Кўп бўлди, ўғлим дадаси ҳақида ҳеч нарса сўрамай қўйди. Унинг қарашлари жиддий, ўйчан, у менга ниҳоятда меҳрибон муносабатлари тапиб бўлмас даражада ўзгарган эди. Нега шундай, у энди катта йигит бўлиб қолганми, дейман, ўзимни овутаман. Қизимни қўшни қизлар билан байрамга жўнатдим. Уғлим иккимиз қолдик.

— Аяжон, сиз байрамга чиқмасангиз, мен чиқаримдим. Сиз ахир бизни деб яшаяпсиз, биз бўлсак, — деди ўғлим кўзларимга ғамгин боқиб. Шу чоғ уни бағримга босиб, ўкириб-ўкириб йиғлаб олгим келди-ю, ўзимни қўлга олдим.

Кўзларимда пайдо бўлган ёшларни яширдим. «Тентаккинам, нега ундай дейсан». Бошқа гап топа олмадим.

— Қўйинг аяжон, дадам кўз ёшларингизга асло арзимайди, мен ҳаммасини биламан, менга бор гапни айтмоқчи бўлиб юргангизни аллақачон сезганман.

Она-бола бир-бирларимизни бағримизга олдик. Шунда ўғлим оқ оралаб қолган сочларимни силаб, юзларимдан ўпди.

— Ақлли болагинамдан ўргилай, жоним болам!

* * *

Бошдан огоҳ этай. Ҳозир сизга айтмоқчи бўлган воқеани менга сирдош бир дугонам айтиб берган. У шифокор, бу ҳунар унга ҳам ота, ҳам она касб. Унга бу саргузаштни бир бемор, тўғрироғи, эри айтиб берган экан. Мен эшитганларимни асло бўямай, ўша кишининг ўз тилидан баён этишни лозим топдим. У одамнинг қисмати билан менинг тақдирим ўртасида муштарақлик бордай кўринади. Мана, ўқиб кўринг:

—Олий билимгоҳни тугаллаб, муродга етдим, уйландим-жойландим. Турмуш ўртоғим тенгги йўқ гўзал, ақл-фаросатда ягона, у оиламизнинг гули, давраларнинг булбули эди. «Булбули» дедим, бу тўғри, чунки у яхши қўшиқ айтар, рақса тушганда кўзларни ўйнатиб юборар эди. Мен шундай қизга уйлашганимдан жуда-жуда бахтиёр эдим. У Тошкент театр ва рассомчилик олийгоҳини тугатган, келажак ёрқин, истеъдодли артист, айтишича, санъатга ҳавас

ёшликдан бошланган эмиш. Бир кун уларнинг қўшнисини кига таниқли бир санъаткор меҳмон бўлиб келибди.

Меҳмон ой ёруғида бири куйлаб қарсақ чалса, бошқалари ўйнаётган бир қанча қизчаларни кўриб қолади. У шўх қизчаларни четроқдан кузатади ва ҳамроҳига: «Қаранг, санъат ҳам, санъаткор ҳам аслида шундай туғилади, анови пахмоқ қизни қаранг. куйлаяпти, ўйнаяпти, албатта у келажакда ажойиб санъаткор бўлади» деган эмиш. Шундан кейин бу гап бутун қишлоққа тарқалганмиш.

Балки бу шунчалик гапдир. Уни санъатга етаклаган ҳам балки шу гаплардир. У энди таниқли артист — менинг се-викли хотиним. У театрда, мен жамоа хўжалигида агроном бўлиб ишляпман. Гуё ҳамманинг кўзи бизда... Баъзилар: «Санъаткор билан агроном — эп келмаган гап» дейишса, бошқалар «кўнгил кўнгилдан сув ичса бас», деб ҳатто ҳавас қиладилар.

Мен хотинимдан олдинроқ келсам уйни саришта этаман, ҳатто идиш-товоқларни ювиб, кечки овқатни ўзим тайёрлайман. У ишдан доим оч келади. Кўпинча мен уйда унинг бир қўлида кафгир, бир қўлида нон ушлаб овқат пишираётганини кўриб, ич-ичимдан куяман. У овқат келгач, чимчиланиб «қорним тўқ» дейди. Шунда иккимиз қотиб-қотиб куламыз. Кишилар ҳасад эмас, ҳавас қилишларини ўзимиз ҳам биламыз.

Қиш кунлари эди. Бирдан тобим қочиб қолди. Дарҳол касалхонага олиб келдилар. Докторлар камида уч ой ёта-жагимни айтганларида хотиним юм-юм йиғлади, бағримни тиглади.

Ушанда мендай бетоб одамнинг ҳолини тасаввур қилиб кўринг. Кўнглим бўшроқ эмасми, туролмадим, мен ҳам йиғладим, аммо кўз ёшларимни унга кўрсатмадим. У театрда гарчи иш билан банд бўлса-да, ҳар кун келиб турар, ёнимда узоқ ўтирар, кўз ёшларини гоҳ яширар, гоҳ яшира олмас, гоҳ у ўзи ўйнайдиган янги асардан парчалар айтиб берар, кўнглимни овлар эди.

— Азизам, биламан, сенга жуда оғир, майли, кунда бўлмаса ҳам, ҳафтада кел, асло ранжимайман. Ишингга ҳалақит етмасин, касбдошларинг олдида тагин оқсаб, ўксиб юрма. Сен ҳар келганингда бағрим яраланаяпти, қийналаяпман, — дедим совуққина. У кўзларимга мўлт-мўлт боқиб:

— Туролмайман, зериктирдимми? «Келма» десангиз ҳам

келавераман. Ахир билинг, мен сизсиз яшай олмайман. бизнинг бу ерларда ҳеч кимимиз йўқ, — деди.

— Рост айтасан. бу касаллик ҳавфли эмиш, ўзимдан нари кетсин, ҳеч кимга юқмасин, тагин сенга ҳам илаштирмайин, англагандирсан энди.

— Тузалиб кетасиз, мен ишонаман бунга.

— Раҳмат. айтганинг келсин, ҳа, менинг сендан бошқа кимим бор.

— Нега ундай дейсиз, ахир?!

Мен яна нималар демоқчи бўлиб лаб жуфтлаганимда эшик очилиб, хонамга оқ ҳалатли, кўзойнак таққан профессор кириб келди. Гапни тугатдим. Хотиним ўрнидан турди. Кўзи билан ҳайрлашди, кафтини лабига тегизиб ўпди-да, чиқиб кетди.

— Хотинингизми, — деди профессор,

— Ҳа!

— Яхши, дилкаш аёл экан, врач эмасми?

— Йўқ, артист.

— Ҳў, артист, жуда соз.

Профессор ёнимга келиб ўтирди. Олдин тилимни, танглаймини, кўзларимни йириб кўрди. Тик турган ассистентларига лотинчалаб алланималар деб уқтирди, чиқиб кетаётиб:

— Енгил, тезда тузалиб кетасиз, — деди у.

Уша кунги «асло ранжимайман» деб айтган «совуқ» галимдан сўнг, у икки кунда бир, ҳатто уч кунда бир келади-ган бўлиб қолди. Бора-бора хат киргизади-да, ўзи кўринмайдиган одат чиқарди. Врачлар ҳам «ҳадеб келаверманг, юқади» деган бўлсалар керак. «У ўз иши билан, ўзи банд бўлиб кетди», — деган хаёл билан ўзимга-ўзим далда берарман. Чунки у ҳафталаб келмай қўйган эди-да. Энди бир парча қоғоз киритишга вақти йўқдай. дом-дараксиз. Мен эса эшик очилдими, «у бўлса керак» деб кўзларимни катта очиб, умид билан қарайман. Уни кўргим келар, иложи бўлса ёнимдан жилмаса, дердим. Аммо «у буни билармиди, кўнглидан чиқариб юбордими» деган даҳшатли ўйлар, ваҳималар кемиради мени. Ўрнимдан туриш қатъий тақиқланган.

Хонамнинг ювилавериби, артилавериби рангги ўчган, остонасидан тортиб кемтик дераза ойнасигача мендан аввал бу хонада ётган кандайдир бесабр одамнинг уч ой ўн кун

деб деворга чизиб ёзган рақамларгача ёд бўлиб кетган. Деразам олдида қишни дилдираб кечирган якка мажнунтол япроқ чиқарди. Ана у шивирламоқда: балки у менинг ҳолимга ачинаётгандир, балки у «бемор, тезроқ тур, баҳор келди!» деяётгандир.

— Эй, мажнунтол, раҳмат, миннатдорман! — деб баланд овоз чиқараман. Мажнунтол эса бепарво, бир меъёрда тебранарди.

Хотиним тамоман келмай қўйди. Аммо мен у ҳақида ҳамиша сўраб-суриштириб турибман. Ташқарида нималар бўлаётганини бировга айтгани уяламан. Айтмасам, Искандар Зулқарнайин афсонасидаги чўпоннинг ҳолига тушаман. Додимни кимга сўйлайин, ҳамма бирдек далда беришга уринар, о, бу насиҳатлар жонимга тегди. Ўзим ёлғизланаётгандайман, кўнглим ҳижил, дунё шу кичик хонадек тор, ҳавоси бузилган.

Менинг бу дунёда ҳеч кимим қолмади. Фақат ҳамиша ҳол аҳвол сўраб турадиган, мени даволаётган доктор қиздан бошқа меҳрибоним йўқдай. У қиз менгагина эмас, ҳаммага шундай ўзини яқин тутади. Биз, беморлар гоят ҳурмат қиламиз. У хотинимнинг келмай қўйганини кимдандир эшитган бўлса керак: «кундан-кунга яхши бўляпсиз, яқинда жавоб берамиз» деб кўнглимни кўтариб турарди. Мен ҳам у қизнинг киришини ҳар тонг қуёшни қаршилагандай кутадиган бўлиб қолдим.

* * *

Тўрт ой ўтди. Ёру биродарлар келиб туришди. Ўзим ҳам анча яхшиман, гоҳо ташқарига чиқаман. Ўзим каби беморлар билан узоқ-узоқ гаплашиб ўтираман. Ҳамманинг ўз дарди бор, аммо ҳеч кимнинг дарди меникидай эмас. Ахир, мен бирданига бир печадардга гирифтор бўлганман.

Эшитишимча, у ҳозир ўзи билан бирга ишлаётган аллақайси отарчи йигит билан яқин эмиш. Уларни кўрган-билганлар айтиб келишарди. Баъзилар эса кўнгли оғримасин дейдими, бошқачароқ қилиб тушунтиришга ҳаракат қилар, ҳамкасб бўлганларидан кейин ишлари шунақа, ҳамма нарасага шубҳа билан қараш яхши эмас, аммо унинг иродаси бўшлигини, мақтовлар қули эканлигини яхши англари эдим.

Дарвоқе, хотин зоти мақтовлар қули бўлади. Бечора аёллар мақтовлар тузоғини кўра-била туриб, ҳатто ҳазар қила туриб, унинг домига илинадилар-да, шундан кейин хийла

ва найранглар бошланади. Ҳа, бу гапларимни ҳеч бир аёл инкор қилмас, деб ўйлайман.

Менинг бир тутинган дўстим бор. У мен ётган шу касалхонада ишлайди. Унга кунлардан бир куни барча сиру ас-рорларимни яширмай айтдим. У икки қўлини жағига тираб ўтириб эшитди, сўнгра қаттиқ «уф» тортди.

— Наҳотки, ишонгим келмайди, балки шубҳаларинг ўрин-сиздир.

— Кошкийди, кошкийди, — дейман ўзим ҳам.

— Сен хотинингдан шубҳаланипсан. Ноҳақсан дўстим, ҳаёлларинг балки пучдир.

— Қани энди пуч бўлиб чиқса! — дедим.

• • •

Узоқ муддатли айрилиқдан кейин хонамда пайдо бўлди. У келган куни бутун олам яйраб-яшнаб кетгандай эди. Анча суҳбатлашиб ўтирдик. Уни кузатиб келаётганимда, қаршимдан кимнидир йўқлаб келган бир йигит чиқиб келди. У мени тапмасдан:

— Ҳалигини кўрдингизми?

— Кимни?

— Артисткани-да.

— Қайси? — Ҳозиргина бу ердан чиқди-ку!

Мен билмасликка солиб атайлаб «кимни, қайси?» деб сўрадим.

— Шаҳарда дув-дув гап, у ярамас аёл эмиш, эри қайси бир касалхонада бетоб, ўлим билан олишаётган шу дақиқаларда у ифлослик қилиб юрган эмиш.

— Йўғе, — дедим.

Ҳа, домла, балки эри шўрлик шу ерда ётгандир! — деди ва катта дарвозадан ташқари чиқиб кетди...

Нотаниш йигитнинг гаплари дардимни янада оширди. Ҳозир унинг ортидан чопиб бориб, тўхтатгим келди-ю, қани энди оёқларимда дармон бўлса.

* * *

Хонада ёлғиз шифтга қараб ётибман. Қани уйқум кела қолса. Кемтик дераза, мажнун тол, девордаги нурсиз ёзувлар. Кўзимни юмдим, бўлмағур фикрлар вужудимни кеми-рарди. Йўлини топдим. Бирдан юзгача, юздан биргача санай бошладим...

Бир куни қишлоқдан амаким келди. У иш билан бўлиб.

кеч кириб қолганини ҳам унутибди. Шу куни уйга кетолмабди, меҳмонхонада эса жой йўқ, сўнгра таваккал қилиб бизнинг уйга борибди. Дарвоза ичидан беркитилган, эшик қўнғирогини қанча босмасин, ҳеч қандай садо чиқмабди. Амакимнинг шаҳарда борадиган жойи йўқ, уй атрофидан айланиб юрибди, «балки келин келиб қолар» деб ўйлабди. Бир вақт қараса дарвоза очилиб, костюм ёқаларини кўтариб, шляпасини бостириб кийган кимса ичкаридан чиқиб, ерга қараганича шошиб кетаётган эмиш. Амаким унинг ортидан тахта бўлиб қолибди.

Вақт анча кеч бўлса-да, у қўшнимиз дарвозаси тугмачасини босибди. Қўшним чиқиб, уйга таклиф қилибди, мени сўрабди. Қўшним мени касалхонада эканлигимни, хотиним эса эрта кетиб-кеч келаётганини айтибди.

У шу куни шаҳарда қолмай, бир илож қилиб, қишлоққа қайтиб кетибди. Икки кун ўтгач, мени кўргани келди. Шунда бор гапни айтиб берди. Нотаниш йигитнинг гаплари тасдиқланди. Кекса одам эмасми, у ҳар гапини куйиб-ёниб, қаргаб-қараб гапирарди. Охири алам билан деди:

— Кеч ўша беҳаёдан. Яхши бўлиб чиқсанг бирам жонон қизга уйлантириб қўяйликки, у куйиб ўлсин!

Мен индамадим. Чунки ҳозир ўз ёғимга ўзим қўғириллаётган эдим-да. Шундан кейин амаким «у» деди, «бу» деди, бари бир ёзилмадим. Амаким мени ранжитгани учун қаршимда гуноҳ қилиб қўйган боладек хомуш ўтирарди. У суҳбатни бошқа мавзуга бурди. Амаким хайрлашдим, хайрлашмадим, буни ҳам билмайман. У ҳозир ёнимда йўқ эди.

Бу ерда қанча ўтирдим, нималарни ўйладим, айтаолмайман. Бироқ бир илиқ қўл елкамдан тутиб, шуларни айтди:

— Бемор, кеч бўлиб қолди, энди бориб ётинг. — бу ҳамшира қиз эди.

* * *

Ярим кеча, навбатчи доктор ҳам, ҳамширалар ҳам қотиб ухлаган чоғ. Аста ўрнимдан турдим, кийиндим, ташқарига чиқдим. Баҳорий шаббода эсарди. Девордан сакраб кўчага тушдим, возиллаб ўтиб кетаётган таксини тўхтатдим. У мени «касалхона жонига теккан шўхроқ йигитлардан бўлса керак», деб ўйлади шекилли, юзимга қараб-қараб қўйди гап қотмади...

Тун. Соат икки. Уйимиз ёнидаман. Юрагим қинидан чиқиб кетгудай. Чироқ ўчган. Қўнғироқ тугмасини босдим. Ҳеч ким чиқмади. Деразаларни тақиллатдим, овоз бўлмади. Демак, у уйда эмас. Минг хил ўйлар оғушида энди ортимга кетаётган эдим, кўча бошидан икки қора кўринди.

Мен ўзимни бир оз панага олдим. Улар бир-бирларига шунчалик киришиб кетган эдиларки, қараганда худди бир кишидай кўринарди. Улар уйимиз ёнига келиб тўхташди. У дарвозага калит солаётиб, «бугун кетсангиз бўларди, кўнглим хижилроқ», — деди эшитилар-эшитилмас оҳангда. Шундан кейин у яна алланималарни гапиргандек бўлди, аммо мен ҳеч нарса эшитмадим. Ҳозир юрагим ҳам, қулоғим ҳам ўз ихтиёримда эмасди. Танидим, у шаҳарлик ўша олифта йигит. Уни яхши билардим, нима учундир ҳозир унинг отини ҳам эслай олмаяман. Йигит жуда бепарволик билан: «Ўша сил эрингиздан умидингизни узинг, яна ўшани эсладингиз-а? Сиз қаерда-ю, у қаерда», — деди.

Вужудимда бир зилзилага ўхшаш тебраниш пайдо бўлди. Тишимни-тишимга қўйиб сабр қилиб турдим, яна нималар бўлишини кутдим. Ахир, мен ҳаммасини ўз кўзим билан кўрмоқчи эдим-да! Улар ичкари киришди. Чироқ ёқилди. Анчадан кейин уй ичи деворларида ечинаётган икки соя кўрингандек бўлди. Чироқ ўчди...

Мен ҳайкал бўлиб қолдим. Даҳшатли ўйлар бошимни ғовлатди. «Нима қилай, девор ошайми, шарманда қилайми ёки иккисини ҳам...: Ҳозир қонимда икки руҳий кураш жанг қиларди йўқ, йўқ, шу ифлосларни деб, ўзимни нобуд қилмай, тезроқ бир фикрга кел, ҳукм қил, эй юрак!»

Ҳароратим ортиб бораяпти, шу ерда йиқилиб, ўлиб қолгудайман. Ортимга қайтиб кета оламанми-йўқми, билмайман. Мен ҳозир фақат уни эмас, ўзимни ҳам жуда-жуда ёмон кўриб кетдим. Томирларимда оз қолган қоним ҳам миямга қуйилгандай, электр токи урган кишидай беҳушман. Дўстларимнинг у ҳақидаги гаплари тўла тасдиқланди. Юзимни ўгирдим-да, касалхона томон маст кишидай оёқларим чалмаша-чалмаша юриб кетдим...



Кўзимни аранг очдим, шу вақт гўё парда ортида доктор Ойжамол ва бир неча оқ ҳалатли одамлар тургандай эди. Яна кўзимни юмдим.

— Яхши бўлиб қолган эдилар. Бундай бўлиши мумкин эмас, ҳар ҳолда қаттиқ ҳаяжонланиш оқибати бу. Ҳарорати жуда кўтарилган, чарчаган, мана, томирлари гапираяпти, — Ойжамол ёнидагиларга тушунтирар экан, бу гаплар қулоғимга зўрға кирарди. Укол берилгандан кейингина ўзимга келдим. Кўзимни очдим.

— Нима бўлди, яхшимисиз? Нега ундай қилдингиз? Узингизни ўйламабсизда. — деди Ойжамол меҳрибонлик билан кўзимга тикилиб.

— Ҳеч, шундоқ, — дедим-у, томоғимга бир нарса тиқилгандай, юзимни четга бурдим.

— Яширманг, кўриб турибман, — деди қиз мискиң ва синиқ оҳангда, юзимда ўрмалаётган ёшларни ўз рўмолчаси билан артиб.

Эртасига доктор яна ёнимга кирди. Шунда мен ўша тунги ўзим кўрган саргузаштларни яширмай, ҳаммасини батафсил айтиб бердим.

— Инсофсиз, уятсиз! — деди Ойжамол.

Докторларнинг менга раҳми келаётганини, самимий муносабатни сезиб турардим. Шундан кейин Ойжамол иложи борича менга ўзини яқин тутар, тузалиб чиққанда буларнинг ҳаммаси унутилажагини таъкидлар эди.

Уйқусиз кечаларнинг бирида уйга, ўша даҳшатли тунда кўрганларимнинг ҳаммасини хат қилиб хотинимга жўнатдим, тузалиб чиқсам қайтмаслигимни, энди номимни ҳам тилга олмаслигини талаб қилдим.

У мактубни олгач, бир неча бор йўқлаб келибди, йиғлаб-сиқтабди. Учрамаган кишиен қолмабди, бари бир ёнимга йўлатмабдилар. Агар мен ўша тун девордан ошиб, аждаҳо домида қолган қонсиз фожиаларнинг гувоҳи бўлмаганимда аллақачон тузалиб чиққан бўлар эдим. Анча қийналдим. Шаҳримизнинг не-не профессорлари бош қотирншмади, қанчадан-қанча дори-дармонлар ҳазм қилмадим. Қасаллигим яна уч ойга чўзилди.

Ойжамол ҳамиша ёшимда бўлди. Мен энди унга ўрганиб қолган эдим. «Қим азиз — энг оғир; дамларда асқотган азиз» деганларидай, Ойжамол мен учун азиз, муътабар киши бўлиб қолган эди-да.

Тузалиб чиққан куним ўша деразам олдидаги мажнунтол ҳам, одам бўлишимга шубҳа қилган баъзи «дўстлар» ҳам,

ҳазар қилиб, «яхши бўлиб чиқса, бирор баҳона } топилар» деб бир марта ҳам йўқлаб келишга арзимаган қўни-қўшнилар ҳам, ҳамма-ҳаммаси қутлагандай бўлди.

Қишлоққа кетдим. Ишни бошдан бошладим.: Эшитганлар ҳайрон, ишонгиси келмаганлар қанча. Мен ҳаётга қайтдим. Ойжамолга хайрихоҳлигимни муҳтарам ўқувчи аллақачон сезган бўлса керак, чуқки шундай қизни ардоқламай, севмай бўладими? Фақат унга муносибманми, деган савол кийнарни мени.

Шаҳарга тез-тез тушиб тураман. Ҳар гал Ойжамолни навбатчи бўлса ҳам, бўлмаса ҳам излаб топаман, кўрмасдан кетмайман. Ойжамолнинг не-не иссиқ-совуқни бошидан кечирмаган маъсум аяси Меҳринисо хола ўз онамдай бўлиб қолган эди.

Бир куни дадаси ҳақида сўраганимда, Ойжамол девордаги ҳарбий кийимда ярим кулиб турган суратни кўрсатиб шундай деган:

— Бу киши менинг дадам бўладилар. Аям уйда бўлганларида дадам ҳақида асло гап очманг, жуда-жуда азобланадилар.

— Нега?

— Бунинг тарихи узоқ, вақти келганда айтиб бераман.

Шу чоқ нариги хонадан Меҳринисо хола чиқиб қолдилар. Биз ўрнимиздан турдик.

— Ая, келинг бир пиёла чой ичинг.

— Қизим, мен ҳозир, олийгоҳда йиғин бор эди, — деди-да, кийиниб чиқиб кетди. Биз унинг ортидан қараб қолдик. Орага анча вақтгача сукунат чўкди. Сўнгра Ойжамол гапни давом эттирди:

— Энди айтсам бўлади, дадам ҳарбий врач бўлганлар, мингдан ортиқ жароҳатланган аскарни даволаганлар. Орденлари, медаллари жуда кўп.

— Бу касб сизга мерос экан-да?

— Ҳа, шундай, энди буёғни эшитинг: Дадамлар хизмат қилаётган қисм душман қуршовида қолади. Беморларни зудлик билан олиб чиқиб кетиш зарур. Бу ишнинг ташаббускори дадам бўладилар. Дадам мажруҳ жангчиларни бардош билан қуршовдан ўтказишга эришади. Охирги машина кабинисига энди ўтираётганда қандайдир бир дайди ўқ келиб, чап биқинига тегеди. Ўқ теккан жойини ўнг қўли билан маҳкам беркитиб шофёрга: «ҳайданг, тезроқ ҳайданг!» дейди.

Шу алфозда ўн километрдан зиёдроқ масофани босиб ўтадилар. Қуршовдан ўтиб, санчаства етганларида дадам тамоман беҳуш бўладилар. Дастлабки ёрдамлар берилади, сўнгра операция қилинади, лекин ўқ ўпкани оралаган эди, уни олиб ташлашнинг иложи бўлмайди. Шундай қилиб, дадам душман осколқасини ўн беш йил кўкракда кўтариб юрдилар. Охири бўлмади, осколқа дадамни олиб кетди. Шундан буён аямлар жуда ўйчан бўлиб қолганлар.

Ўртада сукунат: кўз олдимда жанг майдони, тутун ва порох ҳиди, у ер, бу ерда бомба портлайди, қаттиқ отишмалар ва ниҳоят Ойжамолнинг дадаси, душман ўқидан жароҳатланган жангчиларнинг инграши ҳамда «ура» садоси борлиқни ларзага келтираётган йигитларнинг наъраси, ҳамма-ҳаммасини ҳозир кўргандай бўлдим.

— Ҳа, урушдан жароҳат кўрмаган бирор оила, бағри бутун кимса топилмаса керак, — дедим. Ҳозир мен учун бу хонадон янада муқаддасроқ кўринди. Хаёлимдан кечаётган нарсаларни айтишга жазм қилдим. — Ойжамол, сизга бир воқеани айтиб берайми?

— Марҳамат, эшитаман.

— Бу ҳикоя эмас, эл-юрт ўртасида бор гап.

— Сиз буни балки эшитмагандирсиз. Урушдан олдинги йиллар «Қишлоққа доктор келган эмиш, доктор ёшгина қиз эмиш», деган гап тарқалди. Уша доктор қиз қишлоқда биринчи бўлиб касалхона очади. Беш кун, ўн кун, ҳатто бир ой ўтса ҳам ҳеч ким келмайди. Қасаллар нуқул табибларга боради. Доктор қиз жуда азобланади. Ҳатто у қишлоқни ташлаб кетмоқчи ҳам бўлади...

Бир куни у диққинафас ўз хонасига сиғмай ўтирарди. Кекса бир чол ҳансираб кириб келади.

— Қизим, тезроқ бўл! Набирам сувга тушиб кетиб, кўп сув ютган, бўлақол ўргилай қизим, ёрдам бер!

У дарҳол керакли нарсаларни олади-да, йўл-йўлакай «худоий эй, мени ишим муваффақиятли ўтса, болани ҳаётга қайтара олсам, ўзинг мадад бер!» деб чопа кетади.

Чолнинг уйига яқинлашганда «дод-фарёд» овози кела бошлайди. Чол ҳам «болам» дея ичкарига шошади. Дарвозага етганларида ичкаридан «азаимхон» деб ном чиқарган табиб чиқиб келади. Қизни кўради-да, таққа тўхтайтиди:

— Қайт, бола тамом бўлган.

— Йўқ, мен уни кўришим керак.

Азаимхон қизнинг йўлини тўсади. Қиз ҳам бўш келмайди, табибнинг ёнидан ўтиб ичкари киради. Ҳамма нола чекар, бола ташқарида қорни шишган ҳолда ётарди. унинг устига аллақачон сариқ гулли сўзана ёпиб қўйилган эди.

— Ота, — дейди қиз аллақандай буюрувчи овоз билан. — айтнинг жим бўлишсин!

— Жим, жим! — дейди чол кўз ёшларини енги билан артиб.

Қиз энгашиб қулоғини кўкрагига яқин олиб боради. Қўлидан тутиб томир уришини санайди, ниҳоят фонендоскопни ўз қулоғига олиб боради. **сўнгра:**

— Ота, қани болани дарҳол уйга олиб киришсин. Бошқа ҳеч ким кирмасин, овозлар чиқарилмасин. Менга халақит беряписизлар. Бола тирик, у ўлган эмас...

Қизнинг буйруқлари дарҳол бажо келтирилади. Болага кетма-кет уч укол берилади, қўл-оёқлари ҳаракатга келтирилади. Қиз қулоғи боланинг кўкрагида.

— Қани, қани тезроқ-тезроқ, оёқларини охиригача, қўлини ҳам... Бир, икки, бир икки...: Энди бошини пастга қилиб кўтаринглар.

Улар болани кўтаришади. Бола оғзидан кўпик, сўнгра қонга ўхшаш сув чиқади. Боланинг оёқ-қўллари ҳаракатлари янада тезлаштирилади. Кўп ўтмай оғзидан шарақлаб сув отилади, бола чинқираб йиғлаб юборади, бурнидан сув келади. Унинг йиғлаган овозини ташқаридагилар ҳам эшитишади.

Кимдир эшикни қаттиқ итаради. Бу боланинг отаси эди, ичидан беркитилган эшик очилмайди. Эндигина «дод-фарёд» деяётганлар йиғлашни ҳам, кулишни ҳам билишмас, аллақандай ҳолатни кечириндилар. Барчанинг қулоғи ичкарида. Боланинг овози тингандай бўлади. Яна йиғи овози келади. «эшикни очсаларинг-чи» дейди боланинг отаси, йиғи аралаш хурсандликдан.

Роса бир соатдан кейин бола кўзини очади. Юз-кўзларидан оқаётган терни арта-арта қиз ташқарига чиқади.

— Бола ҳаёт. Унга халақит берманглар, тинчлик керак!

Эшикнинг шундоққина ёнида кўзлари ёшли ота-она қизнинг оёқлари остига ўзларини ташлаб юборишганини ҳам сезмай қоладилар.

— Ойжамол, ана шу доктор қиз, биласизми, ким? У сизнинг аянғиз профессор Меҳринисо Саидовна бўладилар.

— Наҳотки?!

— Ҳа.

— Сиз шундай камтар ва олижаноб одамларнинг фарзанди бўлганингиздан кейин қўлингиз енгил бўлади-да. Ана шу сувга чўккан бола кимлигини биласизми? Уша мен, мен эканман. Ҳа. Ойжамол. Отам урушдан қайтмади, онам ҳам дунёдан ўтди. Уша кўрганингиз менинг ёнимга тез-тез келиб турувчи бир амакимдан бошқа ҳеч кимим қолмади. Ойжамол, мен ҳам бу сирларни яқиндагина амакимдан эшитдим.

— Эй, худойим-эй, дунё шунчалар тасодифларга тўла бўлмаса!

— Мен сизни қишлоққа таклиф қилганимнинг сабаби ҳам ана шундан, Ойжамол!...

* * *

Орадан ойлар кечди. Агроном йигит ва доктор қиз ўртасида расмий борди-келдилардан сўнг тўй бўлиб ўтди.

* * *

Ойжамол билан турмуш қурганимизга яна бир ойдан кейин ўн йил тўлади. Бу даврда уч ўғилнинг отаси бўлдим, олти йил ўтгач, фан доктори деган илмий даража олишга эришдим. Ҳозир олийгоҳда дарс берапман. Ойжамол тиббиёт фахрлари номзоди, болаларимизнинг меҳрибон онаси.

Уша артистка билан ўтган машъум онларни на мен, на Ойжамол эслаймиз. Чунки у дамлар эшлашга арзирли эмас, тушдек эди-да.

Октябрь ойининг охириларини пахта теримининг авжи қизиган даври. Бутун куч пахта теримига қаратилган. Ҳамманинг фикри ёди пахтада. Бутун жумҳурият пахтакорга айланган. Биз ҳам ёрдамдамиз. Бу жойлар менга ёшлиқдан таниш. Атрофни кафтимдаги чизиклардай биламан... Уч кун бу ерда бўлиб, ёру дўстлар билан учрашдик, суҳбатлашдик, ёшлик йилларни эладик. Шаҳарга қайтишимга бир кун қолди. Та-лабалар пахта тераётган майдонга, Шаҳрихон сойи ёқалаб кетаётган эдим.

Икки йўл туташган жойда бир аёлга дуч келдим. Кўзлар тўқнашиши билан иккимиз ҳам таққа тўхтаб қолдик. Ажабо, нималарни кўряпман. Салом-алик ҳам эсда йўқ.

— Бу сизмисиз?

— Ҳа, мен. Уша бахти қаро, эл қарғаган!

— Ундай деманг. Гулжаҳон! Бу ерларда нима қилиб юриб-сиз?

— Қишлоғимга қайтиб келганимга кўп бўлди. тақдир мени ўз кўчасида адаштирди.

— Санъатчи?

— Санъатни ҳам, саҳнани ҳам бутунлай тарк этдим.

— Яхши бўлмабди, нега энди?

— Бу саволга жавоб бериш оғир.

— Шунақа денг?

— Ҳа, шундай... Мен биламан, сиз энди машҳур олимсиз: Мен эса...

— Ундай деманг, — дедим-да, Гулжаҳонни биринчи бор саҳнада бир кўриб ошиқ бўлган талабалик йилларимни эслаб, ичимда кулдим.

Уртада англаб етмас жимлик пайдо бўлди.

— Мен учун ўша дамларни хотирлашдан бошқа иш қолмади, — деди у жимликни бузиб.

— Энди ҳожати бормикан?!

У ихтиёрсиз мен кетаётган томонга қараб юрди. Биз ёнмаён қадам ташлар эдик. У узук-юлуқ гапирар, назаримда ҳозир қилмишларига пушаймон эди. Гулжаҳон ёлғиз туришини, ота-онаси оламдан ўтганини, ҳозир боғчада ошпаз бўлиб ишлаётганини айтгандай бўлди. Унинг бошқа гаплари негадир қулоғимга кирмади.

— Начора, пешонам шундай экан. Нималарни кечирмадим, нималарни кўрмадим. Оҳ, билсангиз, ўша хатингиздан кейин... Осмон ҳам, ер ҳам айланди. менга йўл кўрсатадиган одам бўлмади. Кимдан мадад сўрайман, ҳамма мендан айтиб бўлмас нарса ни умид қилаётгандай эди.

— Мен сизни бахтли бўлгандирсиз, деб...

— Йўқ, йўқ, биз фақат саҳнада эмас, турмушда ҳам ўз сўзимизга эга эмасмиз. Бахт дейсиз. Биз, артистлар чинакам қарсақлар қурбонимиз, мақтовлар қулимиз. Бизга ниманики ўргатган бўлсалар, шуни такрорлаймиз, бирор ақлли гап айтган бўлсак, у ҳам ўзимизники эмас албатта, қайси бир асардан ёдлаб олинган ёки унинг таъсири бўлиб чиқади. Қарсақ ва мақтовлар бошимни айлантирди, кўзимни тиндирди. Мен ўйлаган нарсаларнинг ҳаммаси сароб бўлиб чиқди.

— Бу гапингиз тўғридир, лекин барча санъаткорлар номидан «ўз сўзимизга эга эмасмиз» дейиш, қандай бўларкин? Шундай санъаткорлар борки, уларни жаҳон тапийди. Маълумингизки, саҳна томоша залидан баландроқ туради. Бу

унинг муқаддаслигидир. Ўша муқаддас жойнинг остонасига қадам қўйишдан олдин оёқни яхшилаб артиб кириш керак.

Гулжаҳон индамади, гапим қаттиқроқ ботганини сездим. Мен Гулжаҳоннинг тақдири ҳақида жон деб эшитгим бор эди ю, лекин умримда биринчи марта бўлса керак гурурим устунлик қилди. Ўзимга «ҳай» бердим.

Дала шийпониغا етганда хайрлашдик. У кўз ёшларини арта-арта уйига таклиф этди. Мен фурсатим йўқлигини айтдим. У билан қадрдонлардек учрашдик, аммо бегоналардек ажрашдик. Иккимиз икки томонга кетдик. Чуқур ўйга толдим. Ҳирмонга пахта орқалаб келаётган талабаларнинг кулгилари ўзимга келтирди, ҳушёр тортидим.

* * *

Йўлнинг икки юзидаги кўкўпар қатор мирзатераклар учидан сарғая бошлаган. Демак, бу йил қиш эртароқ келади. Олтин япроқлар ҳавода анча учиб юрадилар-да, сўнгра ерга қўнар ва ўзига хос гўзаллик кашф этарди.

Машинамиз учар экан шофёр ўз ўйи. мен ҳам ўз хаёлим билан бандман. Яна Гулжаҳон кўз олдимга келди, уни шунча қувмоқчи бўлдим, лекин қўлимдан келмади. У машина ойнаси олдида намоён бўлар, тўғри юриб кетар, ўйларимни кемирарди...

Воқеа шундай бўлган эди:

Ўша мен касалхона деворидан ошиб уйга боргандан бир неча кун олдин, ашулачи йигит билан Гулжаҳон уйда тунашни одат қилиб олган эканлар. Буни сезган маҳалла қўниқўшнилар «уят» қилишиб, ҳатто бетларига айтганларида ҳам парво қилишмабди. Гулжаҳон мактубни олгач, дарҳол отарчи йигитга кўрсатади. Шунда у сурбетларча:

— Нега хатини кўрсатасиз. унинг қўли теккан қоғозни ҳам ушламанг, ҳазар қиламан. Бундан кейин у ҳақда ҳеч нарса эшитишни хоҳламайман. Маҳаллангизда майда гап одамлар кўп экан. Агар мен билан тураман, десангиз, бу ердан кетишимиз керак. Қандай қилиб дерсиз, бу жуда осон. Уйни сотамиз, у сил тузалса ҳам бари бир энди қайтмайди. Бошқа жойдан уй сотиб оламиз, шу ҳам яшаш бўлдим, — дейди.

Маҳалладагиларнинг қаршилигига қарамай уй арзон-гаровгагина пулланди. Улар шаҳардан четроқда яшай бошладилар. Гулжаҳоннинг бу қилмишларидан огоҳ бўлган ота-онаси ҳам ниҳоятда хафа бўладилар. Ундан воз кечадилар, шаҳарга келмай қўядилар.

Ота-она ва бемор эр ташвишидан қутилган Гулжаҳоннинг ишлари юришиб кетди. Катта йиғинлар усиз ўтмайдиган бўлиб қолди. У ижро этган ролларни газеталарда мақташади, журналларда суратлари чоп этилади. Уни энди бутун жумҳурият биларди. Кўплар: «санъатимиз юлдузи» деб ҳам атайдиган бўлиб қолдилар. Агар у концертларда сахнага чиқиб куйламаса, барча томошабин «Бис», «Бис», деб талаб қилиб туриб олар ва уни қайта-қайта сўрардилар. Гулжаҳон эса бутун истеъдодини ишга соларди. Яна олқиш, яна қарсақлар.

Афшларда энди унинг номи катта-катта ҳарфлар билан ёзилар: у кўча-кўйда ўз помига кўзи тушганда жилмлайиб қараб қўяр ва ич-ичидан ғурурланарди.

Сотилган уйнинг пули ана-мана дегунча совурилди. Хилма-хил ялтироқ кийимлар сотиб олди, ичишга ўрганди, бошқаларни ҳам ўргатди. Уша хушовоз ашулачи ва унинг агрофидаги парвоналар Гулжаҳоннинг кийинишидан тортиб юриштиришигача мақташарди. Яқинроқдан биладиганлар уни «тесигина эмас, ичи ҳам ялтироқ», дер, ҳатто «ялтироқхоним» деган лақаб қўйган эдилар.

Бир куни ишдан кейин Гулжаҳон эркаланиб туриб, ашулачи йигитга деди:

— Азизим, бизни бахт кутяпти, биласизми?

— Яна қандай бахт?!

— Она бўламан шекилли... Бешик қучиб алла айтишни орзу қилмаган аёл топилмаса керак. Мен ҳам она бўламан, алла айтаман...

— Она бўламан! — ашулачининг ранги-қути ўчди.

— Ҳа, ёмонми, балки ўғил бўлар, овози ҳам ўз овозингиздек қўнғироқ, ёқимли бўлсин. Дадаси, отини нима қўямиз?

— Билмадим, бунини ўйлаб кўрмабман....

— Энди биргалашиб ўйлаймиз. Шундай ном қўяйликки, бу атрофда у ҳеч кимда бўлмасин.

— Яхши, бироқ бошимга бир фикр келди, айтайми?

— Айтинг, жоним билан эшитаман!

— Сиз таниқли артист бўлсангиз, бола дунёга келгач, ўралашиб қолмасмикансиз. Менни десангиз, боланинг баҳридан ўтсак. У сиз билан мен учун ғов бўлади, ижод бўғилади.

— Вой-вой, нималар деяпсиз, бу мумкин эмас, ахир.

— Мен сизга фақат яхшилиқни раво кўраман. Мумкин, ҳаммаси мумкин. Бунинг устига сизни унвонга тавсия этишган.

— Хўш, нима қипти?

— Нима қипти эмиш. Сиз бола боқиб ўтирсангиз, унвон беришни тўхтатмасалар деб қўрқаман. Спектакллар нима бўлади?

— Нима қил, дейсиз?

— Фақат битта йўли бор, у ҳам бўлса болани олдириб ташлаш керак. Бу менинг ўтинчим ва илтимосим.

— Ундан кейин нима бўлади? Тамоман фарзанд-сиз ўтамиз-ку?

— Санъаткорга фарзанднинг нима кераги бор. Ҳаётини халққа бахш этганларнинг фарзандлари бўлиши шарт эмас. Мана, улуғ санъаткорларнинг деярли барчаси бефарзанд ку? Аммо, уларнинг поми эларо барҳаёт.

— Йўқ, азизим, бу қийин ҳаёт масаласи, жиддийроқ ўйлаш керак.

— Мен ўйлаб бўлдим. Биласизми, сиз билан қонуний эр-хотин эмасмиз. Болани йўқотинг, сўнгра тўй қилайлик, майли фарзанд керак бўлса, кейин бўлар.

— Бу шунчалик осон деб ўйлайсизми, мени мажруҳ қилмоқчимисиз?

— Акс ҳолда, ўзингиз биласиз.

— Хўп, аммо...

— Бу бошқа гап. — ашулачи йигит ясама қилиқлар билан Гулжаҳонни юпатади ва эркалайди, «аммо», «лекин»ларга ўрин йўқ, гап битта, — у чиқиб кетади.

Ёлғиз қолган Гулжаҳон болиш қучиб йиғлади. Шу вақт ҳамма уни масхара қилаётгандай, айниқса ўзи билан бирга ишловчилар, кўрсаткич бармоғи билан ишора қилиб: «ўшанда» дейишаётгандай «хо-хо»лаб кулаётгандай эди. Гулжаҳон боши берк кўчага кириб қолган, ундан чиқишга йўл топа-олмаётин. Ниҳоят таниш докторларни ишга солди. Гинекологларнинг қаршилигига ҳам кўнмади. Уч-тўрт кун касалхонада ётиб чиқди. Болани туғмасданоқ гўмдон қилди. Бутун борлиқ эл-юрт Гулжаҳонни «қотил-қотил!» делётгандай бўларди. У кўзларини юмиб, қулоқларини икки кафти билан беркитиб, уйдан чиқмай ётди, ашулачи йигит Гулжаҳонни қутлади.

— Бир оз кучга кириг, тўй қиламиз. — деди маккорона парвона бўлиб...

Орадап ойлар ўтди. Гулжаҳон яна олдингидек яйраб-яшнаб кетди, ҳаммаси унутилди. Шаҳарлик олифта энди ундан ўзини бир оз тортиброқ юрарди. Бу орада иккисининг ўртасида қаттиқ жанжал бўлиб ўтди. Гап айланиб-айланиб: «боладан қутилдим, у балки меники ҳам эмасди. энди мен сизни хотин қилмайман. Мен уйланмаган бўлсам, сиз ахир ўшандай садоқатли эрингизга, у ўлим тўшагида ётишига парво қилмай, не-не пинҳона ишларни тутмадингиз. Сиз менга ҳам, бошқага ҳам, ўшандай муносабатда бўлишингиз турган гап. Ўз эрига вафо қилмаган аёл ўзгага вафо қилармиди? Алвидо, мен кетдим, бу театр бўлмаса, бошқаси...» деди-да, бутун можароларга нуқта қўйди. Шу-шу отарчи ўзини қайта кўрсатмади...

Аламлар, ситамларга дош беролмаган Гулжаҳон йиғлади, сиқтади, кўникиб кетди. Беш кунлик дунёда «ўйнаб қол» деган ақидага ружу қилди, илк очилган гул каби «қўлма-қўл» бўлди, сўнгра оёқлар остига ташланди. Секин-аста унинг шон-шухратлари ҳам, шов-шувларга тўла санъати ҳам, уйининг бор-йўғидан хабар олиб турувчи ошхона мудирлари ҳам, уни кўкларга кўтариб мақтаб юривчи сўйлоқ тиш театр директори ҳам, ҳамма-ҳаммаси юз ўгирди. Томошабининг ихлоси қайтди. Энди Гулжаҳоннинг бу даргоҳда қиладиган иши қолмаган эди.

Гулжаҳон санъатга қанчали тез кирган бўлса, шунча тез чиқди. Бу даргоҳдан ўзини ўзи қувди. Шу кетганча қайтиб келмади. Унинг номи энди деворларга чаплаган, йиртилиб кетган хира афишалардагина қолган эди.

Гулжаҳон ўз қишлоғида «адашганни адаштира» деганларидай яхши одамлар паноҳида, болалар боғчасига ошпаз бўлиб ишга кирди. Назаримда қайта туғилгандай, ҳаётни янгидан бошламоқчидай. Бироқ энди кечмасмикан?..

Шамолдай учиб кетаётган енгил машина мункиб тўхтаган дагина ўзимга келдим.

— Шаҳарга етдик, профессор, уйга борамизми ёки олийгоҳга? — деди ҳайдовчи.

Мен лаҳза ўйланиб турдим-да:

— Уйга. — дедим.

Машинанинг орқа ойнасидан нима учундир ортимга қарадим. Орта эса туманга ўхшаган чангдан бошқа ҳеч нарса кўрмадим...

Кундалигимга ўзгаларнинг мени ҳаяжонга солган бу каби қисматларини ҳам ёзиб бордим.

Дунёда қанчадап-қанча сўқмоқли йўллар бор. Мен шуларни ўйласам ҳаддан ортиқ изтироб чекаётганимга хафа бўламан. Ростда. Мен қайта яралармидимки, ҳаммасига чидасам, дош берсам. Бундан кейин бепарвороқ бўлишга ҳаракат қиламан, сочга оқ тушиши кўп ўйлашдан, дейдилар, балки бу ҳақ гапдир. Сочларим оқара бошлади. Икки болани деб умрим ўтиб борапти. Мен гўё улар учун яралганман. Болаларим ҳам шундай деб тушунадилар.

Гоҳо ёлғиз қолганимда ўз-ўзимни қойийман, кечаётган самарасиз кунларимдан хафа бўламан. Ўзимнинг аёл эканлигимни унутаёзганимдан қўрқаман. Менинг йўлларимга пешвоз чиққанлар бўлмаган дейсизми? Болаларимни деб ҳаммасидан юз ўгирганман, эркак зотига ишонмайман. Уларнинг барчаси бир, ҳозир ҳам шу фикрдан қайтганим йўқ. Боши очиқ ёш жувон бўлганингдан кейин, кўпчиликнинг кўзи сенда бўлар экан, севалаб ўтган ёмғир ҳам сени чалиб йиқитади, ҳеч кимни қопмаган ит ҳам сенга ёпишади, **ҳа, шундай...**

Бошим очиқлигини эшитган баъзи суюқ эркаклар гап солишар, баъзилари эса осмондаги ойни ваъда қилардилар. Мен буларнинг ҳаммасига ўткинчи, шунчаки бачкана гаплар, деб қарардим. Умуман, эркак зотидан ҳазар қиладиган бўлиб қолдим. Бу дунёда менинг бегубор қалбимни англайдиган борми? Ҳамма эркаклар риёкор, алдоқчи, маккор. Ўзимнинг бу хил нотўғри қарашларимдан гоҳо афсусланаман. Мен гўё бу дунёда ҳеч кимга керакмасдай, ўз-ўзимни ҳам ёмон кўриб кетаман.

Болалар ва оила ташвишлари юзларимга ўз изларини сола бошлади, дунёга келиб нима кўрдим «кечир менинг баҳорим, ёшлигим» деб жаҳонга жар солгим келади.

Тўғри, фабрикада топган ҳурмат ва эътиборим ўзимники. Қорхонада у ёки бу иш билан банд бўламан, ҳаётнинг меҳнат деган қозонида қайнайман, ҳамма нарсани унутаман. Аммо, уйга қайтгач, яна даҳшат босади. Овқат пишираман, болалар билан бир оз гурунглашиб ўтираман, уни-буни ва рақлаган бўламан, ухлайман. Ана сизга ҳаётимнинг мазмуни.

Ёсингизда бордир, мен бошда Тошкентда ўқийдиган бир йигит ҳақида ёзган эдим. У ўқишни битириб келди. Тез-тез уни ўйлаб қўяман. Уйлайман-у, ўз-ўзимдан ҳадиксирайман,

худди болалар сиримни билиб қолаётгандай юзларим лола бўлиб кетади. У билан пинҳона учрашгим, суҳбатлашгим келади, аммо қўрқаман, яна ўйлайман. Ахир, мен аёлман-ку? Бу гапларни ҳеч қачон ҳеч кимга очиқ айтолмайман, болалар ухлаганида ўйларимни дафтаримга тушираман. У одам менга жуда-жуда кераклигини айтолмайман, аёллик ғурури қўлларимнигина эмас, дилларимни ҳам, тилларимни ҳам тамоман боғлаб ташлайди. У одам ҳақида кейинроқ батафсил ёзарман.



Энди мен бахтли одамман, чунки мен ҳам одамлардай, аёл бўлиб, кимнингдир хаёли, ўйи билан яшайман. Мен севгини дарахтга ўхшатишни истайман. У ўсади, илдиз отади, гуллайди, мева беради. Гоҳо қуриб ҳам қолади. Севги юқумли касалликка ҳам ўхшайди, бир юқдими тамом, сени маҳкам ушлайди. Уни тоғ чашмасига ҳам қиёс қиладилар, балки бу ҳам тўғридир. Унинг тиниқлиги, тошқинлиги, яна қайсидир фазилатлари муҳаббатни эсга солади. Бироқ у ҳақда лоф урмоқ инсофдан эмас.

Юрагимда пайдо бўлган-у очилмаган, қулоч ёзолмаган у. Ёшлик туйғуларим оғир кунларимнинг ҳамдами, севинчларимнинг пинҳона шериги у.

Мен кундалиқнинг бундан кейинги саҳифаларида у одамнинг номини «хаёлимдаги одам» деб ёзмоқчиман. Мен шуни эп кўрдим. Айбга буюрманг, ахир мен аёл бўлиб, нима ҳам кўрибман бу дунёда.

Хаёлимдаги одамнинг хаёллари мен учун битмас-туганмас бахтдир. Мен энди келажакимга ишониб яшайман. Одамлардай «кечир ёшлигим, сени ардоқлай олмадим, сени беҳуда ўтказдим!» демайман. Менинг баҳорим ҳам, ёшлигим ҳам энди келаятгандай эди.

Баъзан аёллар «сен ким учун яшайпсан?» — деб сўраб қоладилар. Мен авваллари ўзим учун, бола-чақам учун дердим. Бугун бу саволга «мен ўзгалар учун, одамларга бахт ато этиш учун, болаларимнинг ва яна бошқа мен учун жуда ҳурматли ва азиз бўлган одам учун яшайганимни» ҳеч қўрқмай айтаман.

Ахир, биз одаммиз! Икки қарра дунёга келмаймиз! Нега энди юрагимизга қулоқ солмаймиз?!

Ёлғизлигим айниқса янги йил оқшомларида билинади.

Арча безаб, ҳар хил ноз-неъматлар тайёрладик. Янги йил киришига саноқли соатлар қолди. Уғлим ва қизим ёнимда парвона. Безатилган дастурхон атрофида ўтирибмиз. Арча шохларидаги шода-шода чироқлардан хонамиз мунаввар эса-да, қалбимни ёритишга қодир эмасди. Буни фақат бир ўзим билман.

Дайди ўйлар ҳозир мени тамоман кемирарди. Ахир у мени уйига таклиф этди, худонинг зорини қилди, рад этдим. Энди эса уни ўйлапман: «нима қиляпти экан балки у ҳам мени ўйлаб, кўзлари арча чироқларида-ю, дилида ҳукмрондирман, балки икки биллар қадаҳга шароб тўлдириб, ёнида гуё мен ўтиргандек алланарсаларни шивирлаётгандир. Нега уни ўзим таклиф этмадим, шундай қилсам бўлмасмиди, янги йилни ҳар ким ўз уйида кутсин, деган ақида бор, буни бир бузсам бузибман-да. Яна ҳаё, яна журъатсизлик, ахир у мендек бир ўзи ёлғиз-ку!».

Юрагимга яқин ширин ўйлар гирдобиди ҳаёлан ичимда дейман: «Қани энди у Қорбобо бўлиб, эшигимизни тақиллатиб кириб келса, овозини эшитсам, Қорбобо қиёфасида бўлса-да, ёнгинамда бир лаҳза ўтирса, жуда-жуда бахтли бўлардим».

Ана, телефон жиринглаб қолди. «У, албатта у!» дедим ёш боладек телефон трубкасини кўтариб, «эшигаман» деган сўзларим ҳозир аллақандай «қалтироқ» оҳангда эди. Афсус, телефон қилган у эмас, бошқа одам эди. «Кечирасиз, адашibsиз!», трубкани қўйдим ва ҳолсизланиб жойимга ўтирдим. Аммо яна ўша ҳаёлимдаги одам хонамизга кириб келаётгандай, эшик тақиллаётгандай, телефон жиринглаётгандай, гапнинг рости фикри-ёдим ихтиёримда эмасди, ҳозир.

Телефон яна жиринглади, бу гал мен олмадим. Болаларнинг шубҳаланишидан ўзимни тийдим. Қизим югуриб бориб трубкани кўтарди:

— Алло, эшигаман! Раҳмат, раҳмат, ўзингизни ҳам табриклайман, ҳозир. Ая, сизни сўраяптилар!

— Ким экан?

— Билмадим!

Бу албатта ўша, ўша олам шошмасдан трубкага қўл олиб бордим...

Бу ҳаёлимдаги одам, унинг изтиробли нафасини олиб келаётган совуқ трубкани лабларимга қаттиқ босдим. Буни у одам сезаётган бўлса ажабмас.

— Сизни ҳам, раҳмат—дедим-да, дилим ёришиб трубкани кўйдим.

Ажабо, фақат бир парсага ҳайронман. Ахир қизим ўша одамни кўрган, яхши танийди. Лекин пега у ҳозир «билмадим» деди. Балки бу «сир»ни ўғлимдан яшираётгандир.

Ҳозир қизимни шу қадар яхши кўриб кетдимки, уни қучоқлаб, қайта-қайта ўпгим келди.

Янги йил янги йилдай ўтди.



Ана-мана дегунча олийгоҳни ҳам сиртдан битириб олдим. Эзуликнинг кечи йўқ, деганлари шу бўлса керак.

Бугун битирувчилар кечасига боришим керак. Ўғлим ва қизим пкки ёнимда кетаяпмиз. Айтишларича, бизни кўрганлар она-бола эмас, опа-сингил дер эмишлар.

«Ўғлимнинг энди бўйи чўзилиб қолди, яқинда уни аскарликка чақиради». Йўл-йўлакай шуларни ўйлаб кетарканман, бирдан кўрқиб кетаман. Ўғлим хаёлларимни сезгандай гап бошлади:

— Ая, сиз ҳам ниятларингизга етдингиз. Мана энди олий маълумотлисиз. Яқинда аскарликка бораман...

Мен ўғлимнинг «аскарликка бораман» деган сўзларини эшитдим-у, бирдан кўз олдим қоронғилашгандай бўлди. Ўғлимнинг қўлларидан маҳкам тутиб олдим, оёқларим чалма-шарди, у ҳозир ўз ихтиёрида эмасди. Ўғлимнинг қайсарлиги оз бўлса-да, дадасини эслатади. Менга қолса ўғлим дадасига эмас, ўша хаёлимдаги одамга ўхшашини жуда истардим...



— Кеча хаёлимдаги одам фабрикага телефон қилиб, ҳол-аҳвол сўрадилар, олийгоҳни битирганим билан қутладилар, учрашишнинг иложи борми, дедилар. Мен эртага уйга телефон қилишларини айтдим.

Ваъда беришга бердим-у, ўйланиб қолдим. Телефон жиринглаши билан ҳижолат тортаман. Мендан олдинроқ болалар чопиб трубкани кўтарадилар. «менга телефон қилишяпти» дейиш ноқулай. Гоҳо трубкани болалар кўтаргудек бўлса, у ипдамай қўйиб қўяди. Шунда мен телефон қилган ким эканлигини англайман. Гоҳо ўғлим олганда, ҳеч қандай овоз бўлмайди, шунда бошлаб сўқади. Мен эса «ўғлим, сўқинма, балким адашиб тушгандир!» дейман, уни юпатаман. Аммо орадан озгина вақт ўтмай ўша одамга ўзим телефон

қиламан. Уғлим учун кечирим сўрайман.



Ҳаёт шундай қурилган: икки одамнинг иқболи ва бахтини кўролмайдиган учинчи бир шахс ҳар қачон, ҳамма жойда бўлиши табиий. Бундай шахслар кўзга доим кўринавермайдилар. Аслида-ку учинчи шахсларнинг бўлгани ҳам яхши. Улар ўртада туради, битмаган кўп ишларни битирадилар. Кўпчиликни ҳамма нарсадан хабардор қиладилар. Улар билмаган нарса йўқ, ўлимларни-ю, тўйларни бошқарадилар. етовга юрувчи ва юрмовчи одамларни «ишга» соладилар.

Эй сиз, учинчи шахслар, дўстни-дўстдан жудо қилган, се^в вишганлар орасига раҳна солган, одамларни бир-бирига душман қилиб кўрсатган, ҳатто давлатлар билан давлатлар² ни ҳам «ғиж-ғиж»лаганлар сиз эмассиз? Мен сиздан нафратланаман. кўргани кўзим йўқ! Сизни агар жоиз бўлса, орамизда ҳар доим бирга юриб, бизларни йўлдан оздирувчи «шайтонулражимсиз» дер эдим. Шунда ҳам сиз учинчи шахслар «қаҳ-қаҳ» уриб кулиб, «мен ғолиб чиқдим!» деб мақтанган бўлар эдингиз.

Менинг учинчи шахсим эса, аллақачон бошқа бир хотинга уйланган. Қутилдим, десам у ортимдан яна қора чойшабни елкалаб юрибди.

Яқинда у кўчада мени тўсиб олиб, кўз ёши қилди. Мен юзимни ўгирдим да, тескари қараб кетдим...

«Уғлим аскарга кетар эмиш, ҳеч бўлмаса кузатиб қўяй, шунга руҳсат беринг!» деган ялиниш оҳангидаги гаплари қулоқларимга чалингандай бўлди. Мен эса парво қилмадим. Менинг учинчи шахсим энди болаларимнинг йўлларига ҳам ғов бўлмоқчи.



Устимдан фабрика партия ташкилотига шикоят тушибди. Кимдан, нима ҳақида денг... «Мен партия аъзоси эмасман, тушунмаган одамман. Хотиним коммунист, у фабрикада цех бошлиғи. Мен бир вақтлар ёшлик, гўрлик қилиб, уни қаттиқ ҳафа қилганман, энди ҳамма айбларимни англадим. Болаларимга ташнаман. Ўртоқ коммунистлар, сизлардан илтимос, мени оилам билан яраштириб қўйсаларингиз. Тўғри, суд бизларни ажратган, бунга ўн йилдан ортиқ бўлди. Аммо, у замонлар ўтиб кетди, қонунлар ҳам ўзгарди. Ахир, ўз айбини бўйнига олганларни кечирардилар-ку?».

Ариза ўқиб берилди, коммунистлар жим. Қим, нима гап бошлар экан деб, миҳланиб ўтирибман. Ҳозир хаёлимдан «нега партком секретари шунчалик шошилинич равишда мажлис чақирди, бу кимнинг найрағи» деган гаплар ўтди. Олдиндан маслаҳатлашиб олинган, бу ҳам топшириқ бўлса керак, мен жуда ёмон кўрадиган бир шилқим одам бўлар эди. У цех инженери вазифасида ишларди. У биринчи бўлиб сўз сўради:

— Уртоқлар! Шикоят бизларни анча ўйлантириб қўйди. Цех бошлиғининг ўзлари эса... Аввало, бошлиқнинг ўзларини тарбиялаш керакка ўхшайди. Оплавий ишларида шунчалик чалкашликлар бор экан, бу киши қандай қилиб бизга раҳбар бўла олади. Эрлари ҳақ. У киши кечирим сўраяпти. Сўзимнинг охирида шунга айтмоқчиманки, цех бошлиғимиз энг аввало ўз эри билан ярашишлари керак, акс ҳолда у кишининг партиядо қолиш-қолмаслиги ҳақидаги масала мажлис муҳокамасига қўйилишини талаб қиламан.

Партком секретари ўрнидан туриб «яна сўзловчилар борми?» дегандай ўтирганларга юзланди.

— Мен сўзласам бўладими? — деди цех мотористи.

— Марҳамат, бу ёққа чиқинг!

— Опамиз яхши аёл, ҳурматли, шунча бирга ишлаб юриб билмаган эканман. Инженер тўғри таклиф қилди. Атайлаб вақтимизни кетказиб мажлисга йиғилган эканмиз, ундан бир натижа бўлиши керак-да. Мен шикоятчини ёқламайман, у тавбасига таянибди, ахир! Эгилган бошни қилич кесмас, ўз айбига иқрор бўлгандан кейин уни қўллаш керак. Ё опамиз эри билан ярашиш ҳақида ваъда беради ёки партиядо қолиш-қолмаслиги ҳақидаги таклифни муҳокамага қўйишларингизни талаб қиламан.

Шундан кейин бирин-кетин ҳар доим мажлисларда гапириб ўрганган «тўти қушлар сайрай» бошладилар. Гаплар, таклифлар бир хил. Ҳеч ким менинг томонимни олмаётир. Гапнинг рости, ўзимни йўқотиб қўйдим. Қандай одамлар билан ишлаётганимни биринчи бор кўриб турибман, нималар бўлаётганига хайронман.

— Яна ким гапиради? — деди мажлис раиси.

— Кўпга тош отиб бўлмас, деганлар, — деб гап бошлади цехимизнинг энг ёш йиғилларидан бири ўрнидан туриб, — ўртоқлар, кечирасизлар, мен ҳали ёшман, иш тажрибам ҳам йўқ. Менимча, бизлар жиддий хатога йўл қўймоқдамиз. Ши-

коят тушган бўлса нима қипти, ҳаммаси ўтган ишлар. Суд ҳукми билан ажралганига ўн йилдан ортган бўлса, яна қандай гап бўлиши мумкин. Мен бу мажлисга тушунмаяпман, бир оз шошилаётгандаймиз, бу масалани партия мажлисига олиб чиқилмаса бўлар эди. Шу вақт кимдир ўрнидан туриб:

— Ҳой тирранча, сенга ким қўйибди, ўзинг кимсан?! Ма² саланинг туб моҳиятини билиб-билмай валдирама! — деди.

Мажлисни олиб борувчи тартиб сақланишини илтимос қилди ва ишчига «давом этинг, ука!» деди. Ёш ишчи гапира кетди:

— Уртоқлар, наҳотки қандайдир бир ярамас, ахлоқсиз ким² санинг шикоят, аризасини деб, фабрикамининг фахри бўлган бир коммунистни бадном қилсак. Нега энди ҳаммамиз ўша алкашни ҳимоя қиламиз-у, цехимизнинг бошлиғи, донгдор бир аёлни эса ер билан яқсон этамиз. Мен бундай мажлисни қоралайман. Бу ерда ўртага ташланган таклифларни ҳам нотўғри деб ҳисоблайман. Гапим тамом, бошқа ҳеч нарса демайман. — деди-да, жойига бориб ўтирди.

Менга сўз бердилар. Ҳозир бошим айланиб, кўзим тиниб кетди:

— Биз темир одамлар эмасмиз-ку? Бизда ҳам юрак бор, дард бор, армон бор. Кимнидир севамиз, кимнидир ёқтирмаймиз. Бу эски гап. Суднинг ҳукмини суд бекор қилади. Унга ҳеч ким аралаша олмайди. Менинг ярамга туз сепган ва яна наштар урган бошқа қўл борга ўхшайди. Мен аёл кишиман. Мен баъзи ўртоқларнинг «эри билан ярашади» деган талабларига партиядан ўчирсалар ҳам кўнмайман. Юраксиз одамга юрак бўлиш қийин. Қандай одамларсизки, суднинг ҳукмини бекор қилиб, уни яна менга ёпиштирасизлар. Инсонийликнинг олий тушунчаси бўлган виждон судини қоралайсизлар!



Бир ҳафтадан сўнг кўп гаплар маълум бўлди. «Сир»ни ҳамма билан баҳам кўрмоқчиман:

Фабрика директори мажлисларда мени мақташи, илғор ишчи деса ҳам, илғор цех бошлиғи деса ҳам мени кўрсатиши, менга ўзини жуда яқин тутишидан бирор «лекин» бўлса керак деб хавотирда эдим, ҳаммаси айтганимдай тугади, эшитинг: у бир кун менга Тошкентга, вазирлик ҳайъатига бирга боришим кераклигини, цехнинг ҳисоботи борлигини

айтди. Секретарь қиз командировка ва поезд билетини тутқапти.

Тошкентга жўнадик, меҳмонхонага жойлашдик. Шунда директор: «коллегияга мен ўзим борадиган бўлиб қолдим, сиз меҳмонхонада яхшилаб дам олинг, керак бўлса, телефон қиламан», деди. Кечгача меҳмонхонадан чиқмай ўтирдим. Кечга яқин директоримиз кириб келди.

— Роса зериккан бўлсангиз керак. Энди «хўп» десангиз бирга овқат қилсак, сўнгра сизга шаҳарни кўрсатсам.

— Майли, — дедим.

Овқат қилдик, сўнгра қўярда-қўймас мени Ҳамза театрга томошага олиб борди.

Қайтиб келгач, директор мени ўз хонасига таклиф этди. Кирдим. Ишқ-муҳаббат изҳор қила бошлади...

Мен хонадан отилиб чиқдим-да, нарсаларимни йиғиштириб поездга шошилдим. Унинг қандай мақсадлар билан мени бу ерларга олиб келганини энди англадим. Директор ортимдан чиқиб узр сўради, «сизни синаб кўрмоқчи эдим» деди.

Хуллас, у киши ўйлаган хом хаёллар амалга ошмади. Назаримда, директор ўтган «сир»ни одамларга айтиб қўяди, деб қўрқди шекилли. Тошкентдан қайтгач, мени фабрикадан жилдириш ниятида бўлиб ўтган ҳангомаларни атайлаб тайёрлаган. Худди шундай бўлиб чиқди.

У бир куни эримни ҳузурига чақиртирибди, унга **роса ичи**рибди, озгина пул ҳам берибди. Ҳар ҳолда «сендан бир парча шикоят қоғози бўлса бас, биз бу ёғини бошлаймиз» дебди. Мажлисдаги ўша «сайратма»лар унинг иши эканлиги текширишлардан кейин маълум бўлди...

Аёл бошим билан шунча тўқнашувларга дуч келдим. Бу воқеаларни ўша хаёлимдаги одамга айтиб туриб, ўзимни туюлмай йиғлаб юбордим.

* * *

Чўкиб бораётган сомонга осилибди, шу ҳам эркак бўлдим. қани унинг ҳаммадан ўзини устун қўйишлари, қани унинг жўралари, ҳамма-ҳаммаси қани?! Нега энди у шандай бўлиб қолди?

Сиз ҳаёт дерсиз, йўқ ундай эмас. «Ҳаёт сени лаънатласа, энг аввало ўзингдан кўр» деган эканлар, унинг шу қадар лаънатланиши, қаддининг букилишига асосий сабабчи — ўзи. энгилтаклиги, энди жазосини ҳам бир ўзи тортиши керак!

* * *

«Мен кетсам ҳолларинг не кечишини биласанларми, энг аввало болаларинг безори. Ўзинг эса...» деган ким?! «Сочларимни супурги, қўлларимни касов қилиб бўлса-да, болаларни тарбиялайман, ўқитаман, одам қиламан. Болалар шундай кишилар бўлсинки, сиз ҳали уларнинг юзларига тик боқолмай қоладиган дамлар келади. Уларни ҳар кўргангингизда кўзингизга ёш оласиз, кечирим сўрайсиз. аммо унда кеч бўлади» деган мен эдим.

«—Қўраман ҳолингни, болаларингни етаклаб ортимдан излаб юрмагин тагин!

— Ҳеч қачон!

— Қўраман!

— Улмасам, менга ва болаларга қарай олмайдиган ўша шувит юзингизни ҳаммадан яшириб юришингизни сўрайман...»

Эрим билан бўлиб ўтган бу сўнгги ҳангомани кундалигимнинг олдинги саҳифаларидан кўчириб келтирдим. Такрор ўқиганингизга ажабланманг.

О, бу ҳаёт сойининг тошлари оёқларимга қаттиқ ботди, оёқнинг оғриғи юракка таъсир қиларди.

Ажабо, нега қалбим буюрган ишни қилолмайман? Нега мен ҳаммадан ҳадиксирашим, қўрқишим керак?

Такрор айтаман: мен ахир темир одам эмасман-ку, аёлман! Мен ҳам бошқа аёллардек кимнидир эркалашларини, кимга-дир эркаланишни истайман-ку!!!

* * *

Ҳарбий комиссариатдан уйимга чақирув қоғози келди. Унда ўғлимнинг фалон кунни тайёр бўлиши айтилган экан. Ҳаётимнинг мазмуни, ўғилгинамнинг аскарликка чақирилишидан гоҳ мамнун бўлиб: «ҳар кимни ҳам аскарга олавермайди, йигитлик бурчини адо этиши керак» дейман, гурурланаман, гоҳ аллақандай ваҳималар ўраб келади ва бошим айланиб, кўзим тинади. «Тинчлик кунлари бўлса», — деб ўзимга-ўзим яна далда бераман.

Ўғлимнинг аскарликка чақирилганлигини дадаси эшитибди. Кеча телефон қилиб, ундан қайси кунни кетишини сўрабди. Ўғлим: «Сиз овора бўлманг, ҳозирча аниқ эмас» — деб ёлғон сўзлабди.

— Ростини айтсанг бўлмасмиди, ахир ўз даданг, қузатса қузатарди, — дедим синаш оҳангида. Шунда у кескин жавоб қилди:

— Керак эмас. биз отасиз катта бўлганмиз, бундан кейин ҳам керак эмас!

Ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг хайрлашув кечаларини ўтказиш шу кунларда расм бўлган. Уғлим тенгқурлари орасида ўксимасин деб яхши тайёргарлик кўрдик. Дастурхонни нозу-неъматлар билан тўлдирдик. Ширинликларнинг ҳамма хиллари: ҳўл мева, сомса, патир, норин ва ҳоказолар дастурхонга кўрк бағишлаган.

Кечга яқин ўғлимнинг дўстлари, таниш-билишлари уйинизга тўпланиша бошлашди. Ҳамма йиғилгач, ўтиришни кексайиб қолган меҳрибон онажоним бошлаб бердилар. Мен қизим билан елиб-югуриб хизмат қилар эдик. Шу кеча ўғлимнинг энди чинакам йиғит бўлиб, вояга етганини англадим. Чунки ўтиришда мактабдош қизлардан ташқари, бошқа қизлар ҳам қатнашар эдилар. Уларнинг ичида балки ўғилгинамнинг юрагида илк муҳаббат учқунларини пайдо қилган бўлажак келиним ҳам бўлса, не ажаб!

Хайрлашув оқшоми ярим кечгача чўзилди. Худди туғилган кунлардагидек ўғлим ва менинг шанимга қанча илиқ гаплар такрор-такрор айтилди.

Кўшиқлар рақсларга уланди. Мен эса гоҳ хурсанд бўлиб яйраб кетаман, гоҳ кўзларимга ёш келади, ўз-ўзимдан чўкиб кетаман, чунки ўғлим билан яна қачон шундай ўтирамиз. Мен унинг қадди-бастига тўйиб-тўйиб қараб олгим келарди. Назаримда у ўз тенгдошлари орасида ажралиб турарди. гаплари маъноли. Балки, у менинг ўғлим бўлгани учун шундай кўринаётгандир.

* * *

Эрталаб ўғлимни кузатиш учун унинг ёру биродарлари, қариндош-уруғлар ҳаммамиз енгил машиналарга ўтириб, ҳарбий комиссариат томон жўнаб кетдик.

Ҳарбий комиссариат биноси атрофига ота-оналар, кузатувчилар сиғмас, худди сайлга ўхшарди. Йиғитларни катта клубга таклиф этиб, истаган ота-оналар ҳам киришлари мумкин деб эълон қилдилар. Мен ҳам энг орқага бориб ўтирдим. Ҳамма жойлашиб бўлгач, «туринг» деган команда бўлди. Йиғитлар қатори ота-оналар ҳам ўринларидан туришди. Ҳарбий кийимдаги уч-тўрт киши, офицер ва аскарлар кириб келишди, салом беришди. Сўнгра ҳарбийчасига «ўтиринг» командаси берилди. Шаҳар ҳарбий комиссариатининг бошлиғи бўлса керак, формадаги ўрта ёш киши сўзлай кетди:

— Уртоқ қақирлувчилар, мана бугундан бошлаб сизлар ҳарбий хизматчи бўлдиларингиз, сизларни аскарлик сафига қақирилганлигингиз билан қутлайман!

Яна қанча-қанча гаплар айтилди. Уларнинг ҳеч бири ёдим-да қолмади. Фикри-ўйим боламда эди.

Ҳамма тарқалди. Орадан бир соат ўтмай «қақирлувчилар билан ота-оналар ҳайрлашсинлар, автобуслар келди!» деган хитоб қилинди. Энг ҳаяжонли дамлар бошланди. Оналар ўз фарзандларини маҳкам бағрига босиб қўйиб юборишмас, юз-кўзларидан ўпишар, оталар қучоқ очиб кўришар, оқ йўл тилашарди.

— Болагинам, нури-дийдам!—дедим, кўзларимга дув ёш келди, хўнграб йиғладим. Ҳозир гўё юрагимнинг бир парчаси узилиб оқиб кетаётгандай бўлди. Уғлимнинг бўйи мендан гарчи баландроқ бўлса ҳам, бағримда ёш боладай сингиб кетди ҳозир. Уғлимнинг атрофидаги ўртоқларига боқсам уларнинг ҳам кўз чаноқлари катталашиб, қизариб кетган эди.

Бундай қарасам, биздан ўн метрлар нарида ўғлимнинг ўша дарбадар дадаси тебраниб маёт ҳолда, қалқиб, бизга қараб турарди. Яқинимизга келолмайди, бунга унинг ҳаққи ҳам йўқ. Назаримда у ўғлини узоқдан бўлса ҳам кўриб қолиш ниятида бу ерга келган. Балки, «ўғлим аскардан қайтгунча борманми-йўқманми» деган ўйлар бошидан чақмоқдай ўтгандир, буни билмадим. Гапнинг очиги, ҳозир унга раҳмим келди. Юрагим увишиб кетгандай бўлди. Кўп ўтмай қизил белбоғли автобуслар кетма-кет гуруллаб, темир дарвозадан чиқиб, аэропорт томон жўнаб қолди, «қийчув», хайрлашув овозлари бутун атрофни тутган эди...

Ишларим, ташвишларим шунчалик кўпайиб кетганки, қай брини айтишни ҳам, ёзишни ҳам билмайман. Олдингидай смена тугаши билан уйга чопишлар йўқ. Директорнинг миси чиқди. Ҳозир фабрикани бошқаряпман. Ҳар куни бир-бирига ўхшамаган муаммолар. Мажлислар жонга тегаётир. Пойма-пой йиғилишларга қатнашмай иложим йўқ. Соатлаб вақтим борми-йўқми, бари бир қатнашим шарт, бу ёқда қиладиган ишларим қалашиб ётибди. Озгина бўш вақт топилса, цехларда, тивувчилар ёнида бўламан.

* * *

Уғлимдан дастлаб ҳар куни икки-учтадан мактуб келиб

турди, гарчи у бир хил гаплардан иборат бўлса-да, такрор-такрор ўқиймиз. Хат келдими, бас, қизим мен қаерда бўлмайин излаб топади, суюнчили хабарни етказмасдан кўнгли тўлмайди.

Бора-бора мактублар ҳам сепилиб қолди. Биз ҳам кўни-киб боряпмиз. Аммо, мактуб келган куни хонамизда чинакам байрам бўлиб кетади.

* * *

Эртага дам олиш куни. Ишдан кеч қайтдим. Энди ечишиб, овқатга ўтирганимда, телефон жиринглаб қолди. Қизим олди:

— Ая, бу Сизга.

Мен фабрикадан бўлса керак деб, бир лаҳза ялқовланиб-роқ трубкани кўтардим:

— Эшитаман!

— Ассалому-алайкум, ўзларимилар, бормилар, йўқотиб қўйдимку!

— Салом, бу бизмиз. — қизим эшитиб қолмасин деб, трубкани қулоқларимга маҳкам босаман, тескари қараб гапирман, — раҳмат, раҳмат, хат келиб турибди. Иш босиб қолди. Бундай ёрдам берай, ҳолинг нима кечяпти ҳам демайдилар. Яхши, бўляпти. Эртаганим, хўп бўлади. «ХБ», бирров фабрикага бораман-да, ундан кейин бўшман. Соат ўнларда, яхши. Хайр, саломат бўлинг! «ХБ» деганим «хўб бўлади» деганим эди.

Кўпдан телефониини кутавериб, овозини эшитишга зориққанам ўша хаёлимдаги одам эди. У эртага шаҳардан ташқари чиқиб дам олишга таклиф қилди, розилик бериб қўйдим. Рости, уни жуда-жуда кўргим келар, айтадиган гапларим кўп, жуда соғинган эдим.

Овқатландим, ўз хонамга кириб чўзилдим. Кўзларимга асло уйқу келмас. Бошимга аинглаб бўлмас ўйлар келар, худди ўн етти ёшли қизлардек эртага бўладиган учрашув қандай ўтишини ўйлардим...

* * *

Янги «Жигули» машинасида номаълум томонга кетяпмиз. Рулда эса ўша хаёлимдаги одам орқа ўриндиқда ўтирибман.

— Қаёққа кетяпмиз, — сўрадим.

— Узим ҳам билмайман, бораверайликчи, яхшироқ жойдан чиқиб қолсак ажаб эмас.

— Узоққа кетмайлик. мени излаб қолишлари мумкин.

— Хўп бўлади, сизнинг тилингиз билан айтганда «ХБ», — деди кулиб.

Мен ортдан у одамнинг оқ оралаб қолган чекка сочларига тикилиб-тикилиб боқаман. Ҳозир рулда бўлмаганларида сочларидан силашга тайёрдай эдим. У киши эса ўз ўйлари билан жим бораётир.

У ортни кўрсатувчи ойнага қўл олиб бордилар. Ойнадан мени кўрди шекилли, жилмайиб қўйдилар. Мен буни дарҳол фахмладим ва четроққа сурилиб ўтирдим.

— Қаёққа кетяпмиз, — дедим яна такрор ялиниш ва эркаланиш оҳангида.

— Сайрга.

— В о й!

— Нега «вой» дедингиз. — кулди у.

— Одамлар кўришса, нима дейиши мумкин.

— Қўйинг, одамларни, биз билан иши нима.

— Шундайку-я, сизни ҳамма танийди.

— Сизни танимайдиларми, таниса танир. Биз ҳам одамлармиз, дам олишимиз керакдир.

Шундан кейин суҳбатимиз фабрикага кўчди. Буйруқлар, режалар, мажлислар, ўғлимдан келаётган мактублар, қизимнинг шарқшунослик олийгоҳига тайёргарлик кўраётганлиги, ҳамма-ҳаммасини сўзладим. Ниҳоят унга:

— Сизни зериктириб қўймапманми?

— Йўқ, нега ундай дейсиз?

— Энди-да, тагин зерикиб қолманг, эсингизда борми, ўтган йили баҳорда «мен жуда зерикарли аёлман» дегандим.

— Ҳа, эсимда, лекин менинг ишдамаслигимчи? Сизни зериктирмасам бўлганш...

Машина Арслонбобга етиб қолганини энди билдик. Чап томонда осмон ўлувчи тик қоялар, пастда, тоғ орасидан ўзига йўл солиб олган зумрад жилға жилдираб оқмоқда. Жилға қўшилган жойда тез оқувчи дарёнинг нариги бети кўм-кўк арчазор, соя-салқин.

— Сув бўйига тўхтасак майлими?

— Ўзингиз биласиз, кетаверсак-чи?

— Энди дам олайлик, қаранг, оламнинг жаннати шу ерга ўхшайди.

Машинани чапга буриб, сув ёқалаб кета бошладик. Бир

туп кекса аргувон дарахти остида тўхтади. Атрофда ҳеч ким йўқ. Бу ерда тоғ сувининг шарқираши-ю, майсаларнинг майин тебраниш овозларидан бошқа ҳеч нарса эшитилмас эди, осмон тиниқ. Машинадан тушдим-у, қўлларимни ёзиб керишдим, тўйиб-тўйиб нафас олдим.

Хаёлимдаги одам машина багажнингидан у-бу олди ва ўтлар устига кўрпача тўшади. Тоғнинг муздек сувига юз-кўзларимни ювиб келгунимча, аргувон ости ажойиб манзара касб этибди. У киши қўлларини ювгани дарё томон юра кетдилар. Мен унинг ортидан сочиқ кўтариб бордим. Газетадан дастурхон ёзилди.

— Топган-тутганимни олаверайми?

— Олаверинг. — дедим мен.

Илон, анжир, шафтоли ва чиллаки узум, шишада қатиқ, пиширилган гўшт «дастурхонга» файз киритди. Мен ҳам сумкачадан баъзи шпричлик нарсаларни олиб қўйдим. «Меҳмондорчилик» анча давом этди.

— Сувнинг нариги бетига ўтмаймизми?

— Қандай қилиб?

— Қаранг, назаримда у томонга одамнинг изи етмаган кўришади.

— Сувни кесибми, илон бўлса-чи?

— Илондан қўрқасизми, қўрқманг, мен борман, агар у кўришиб қолса, сизни ташлаб ўзим қочаман.

Кула-кула сувга яқинлашдик, шимларини шимариб, оёқларини сувга теккизди.

— Қани, қўлингизни беринг. Яланг оёқ юрмаганимга бир йиллар бўлди.

— Мен ҳам, — дедим унинг қўлларини маҳкам ушлаб. Қўйлагимнинг этаги сувга тегмасин деб салгина кўтардим. Сувнинг ўртасига етганда бирданга оёғим тошга сирганиб кетди. қўйлагимни қўйиб юбориб, унинг кучли билақларидан маҳкам тутган эдим, мени тойиб кетмасин дедими, ҳар ҳолда белимга қўлларини олиб борди. Шу алфозда сув кечар эдик. Борган сайин чуқурга кетяпмиз, орқага қайтишнинг иложи йўқ, қирғоқ яқинлашиб қолган. Кучли қўллар мени кўтариб кўкпегга босди. Бошим унинг елкасида эканини сувдан ўтгач сездим...

Кечга яқин шаҳарга қайтиб келдик.

Дарё бўйида бўлиб ўтган воқеаларни дафтарга кўчирмоқ-

даман. Оёқларимнинг таги зирқираб оғриётир. Бу, албатта дарё тошларидан етган озорлардир.

Хаёлимдаги одамни кўп тилга олдим, у ҳақда кейинроқ айтиб бераман, деган эдим. Мана энди бунинг мавриди келди. Бор гапларни очич-ойдин ёзаётганим учун ўқувчининг мендан ихлоси қайтиб қолмасин, деб андишаларга бордим, ҳаммасини ёза олмадим. Эшитинг, хаёлимдаги одам ким?

«Ёшликда берган кўнгил, айрилмас бало бўлур» деб куйлаганларида жон бор. Менинг хаёлимдаги одамни кеча ёки бугун таниган эмасман. О, бизни саргузаштлар, бошдан айтадиган бўлсам, яна бир дафтар бўлиши турган гап.

Биз бу одам билан бир мактабда ўқиганмиз, у фақат менадан икки синф олдинда эди. У Тошкентда ўқиётганда мен ўзинчи синфда таҳсил олардим. Гарчи бир вақтлар бир-биримиз билан пинҳоний учрашмаган, изҳори дил этишмаган бўлсак-да, кўча-кўйда дуч келишиб қолгудек бўлсак, юзларимиз лола бўлиб, пешоналаримизгача терлаб кетар эдик. Ёзги таътилга келганда тўйим ўтганини эшитган бўлса ксрак...

Масофалар, йўллар, йиллар ўртамизга раҳна солди, ўртамизда шак йўлини эмас, баланд Хитой деворини пайдо қилди. У одам ўттиз ёшида уйланди. У аввал менга бир неча бор оғиз очди. «Уйланмаган одамсиз, армон бўлмасин, тақдир экан» деб рад жавоб берганимдан кейингина мана шу қизга уйланишга қарор қилганини битта ўзим биламан.

Уша камтар йигит бахтли бўлсин, келин ҳам кўҳликкина, муносиб, улар бир узукнинг икки кўзидай эдилар. Тўй-тапталарни саз ўтди...

Қизнинг ота-онаси куёвни эъзозлар, ушн кафтига кўтаришарди, куёв эса ана шу иззат-икромга чипакам лойиқ, ақлли, билимдон йигитлардан эди-да.

Бир йил ўтмай бахтли хонадонда янги меҳмон қутилмоқда эди. Шунинг учун бу уйдан қариндош-уруғларнинг оёғи узилмай қолди. Келинни туғруқхонага олиб бордилар.

Туғруқхонадан куёв бениҳоят хурсанд қайтди. «Ўғил туғилди!». У ҳар бир йўловчини тўхтатиб: «мен ўғил кўрдим, одамлар қутланглар!» дегисен келар, қанот боғлаб учишга тайёрдай эди...

Мен бундан кейинги воқеаларни айтмас эдим, наҳора, бошда ваъда қилганман, ёзмасам гуноҳкор бўламан. Орадан бир кун ўтгач келинчак анча дуруст бўлиб қолди. Ҳамшира

чақалоқни эмизгани олиб киради. Хонада бир ўзи, ҳамшира ҳам чиқиб кетади. Беш дақиқадан кейин палатадан ёш жувошнинг «қаҳ-қаҳ»лаб кулган ваҳимали овози эшитилди. У сочлари ёзилган ҳолда ўршдан туриб қотиб-қотиб кулади, чақалоқни қўлига олиб у ёқдан бу ёққа чопади.

— Болишнинг юмшоқроғини беринглар, — дейди ва қўлидаги чақалоқни хона бурчагига зарб билан отиб юборади. Бола чиқираб йиғлайди. Яна қўлига олади, энди у бақиради, додлайди.

— Болишни бу? Юмшоқроғи йўқми, болам қани, боламини беринглар, бо-лам!—дейди-да ва чақалоқни ердан олиб, ўзи ётган каравотга отади, қотиб-қотиб кулади «болиш», «болиш», дейди. ва ўзини каравотга, чақалоқнинг устига ташлайди.

Қўп ўймай палатани аёлларнинг «қий-чуви» бошга кўтаради. Шу вақт бош шифокор ва бир неча доя ёшлар чопиб кирадилар. Чақалоқ аллақачон ўлган эди.

— Нима қилиб қўйдингиз. — дейди бош шифокор сўкиниб.

— Болиш беринг, болиш, — дер эди ёш она ҳамон гоҳ кулиб, гоҳ йиғлаб.

Маълум бўлишича, ёш онанинг қони бузилган, у эпидемия руҳий касаллигига чалинган экан...

Шундай қилиб, куёвнинг севинчи узоққа бормади. Қайлиғини руҳий касалликка чалинганлар даволанадиган клиникага ўтказдилар. Қелин узоқ муддатдан сўнг касалхонадан чиқди, бироқ яна фарзанд кўрадиган бўлса олдинги ҳолат такрорланиши мумкин эди... Уларни қонуinning ўзи ажратди:

Қуш парвоз учуи, инсон бахт учуи яралган. Бошқаларнинг бахтини ўйлаган, ўз бахтини топади. Мен бахтимни топдимми, топдим, фақат меҳнатдан топдим. Сиз мени ўқиняпти, деманг. Бизнинг замонамизда бахт тушунчаси жўп бўлиб қолган. Бахт ҳақидаги мунозаралар бўлаверади, бу албатта шахсий фикрларим.

Ўтган куни Арслонбобда бўлдик. дам олдик, оз бўлса-да, меҳнат ташвишларини унутдик. Ҳа, яна «меҳнат ташвишлари» деяпман. Умримизнинг ярмидан кўпроғи меҳнат билан кетади, бир қисми уйқу, овқатланиш, оила ташвишлари. Нега энди умримизнинг ҳеч бўлмаса ярми бахт билан ўтди, демаймиз? Эл кўзига шундай дейишимиз ҳам мумкин, лекин бари бир у ясама, ҳар куни оғзимизни тўлдириб айтиб, эшитиб юрган шунчаки расмий гаплардан иборат бўлиб қолади.

Мана, сиз мени айблаясиз, мен бировни севшим керах эмасмиш. Шоирнинг «севги ҳамма ёшда келиши мумкин» деган гапларига қўшилмай иложимиз йўқ. Сиз буни менинг ёшимга кирганда биласиз. Севсам нима қипти? Ахир бу юракнинг амри-ку!

Юрак одамзодга нега берилади бўлмаса? У ўч олиш, нафрат учуни, ё кўрқитиш ва кўрқиниш, ҳасрат учуни, тубсиз хаёлларни, аламларни ютмоқ учуни, туманли тоғдай зил гуссаю, ҳижронларни кутмоқ учуни, юраксизларга юрак бўлмоқ учуни, ҳаёт деб аталган тўлқинда гоҳ тирилиб, гоҳ ўлмоқ учуни, йўқ-йўқ. Юрак ҳаётни ва яна кимнидир севмоқ учун берилганини энди-энди билияпман.

Шунақаси ҳам бўлади, сен бировни ўйласанг, у эса ўзгани ўйлайди. Сен бировни орзиқиб кутасан, у эса ўзгани кутади. Буни мен эзгуликнинг фожиаси деб биламан. Ҳеч кимнинг бошига бу хил савдо тушмасин. Хаёлимдаги одам ҳам, мен ҳам бу дарддан ҳолимиз.

Мен унинг ўйи билан яшайман, у ҳам менсиз яшай олмаслигига ишончим комил, айтишича, менсиз яшаш бесамар умр эмиш. Аммо ҳар иккимиз ҳам ғуруримизни поймол қилмаймиз. Гарчи ғурур яхшилик ҳисобланмаса-да, лекин кўп яхшилик, кўп ёмонликларнинг бошидир, буни менгина эмас, ҳамма билади.

Хаёлимдаги одам бир ойдирки, чет элларда. У ҳар куни тушларимга кириб чиқади. Аммо кўзларим тўрт. телефон жирингласа чопаман.

Ҳозиргина ншдан қайтдим. Болтиқ бўйи жумҳуриятларидан олий нав ипак олдик. Маҳсулотларимизнинг сони кўпайиб, сифати яхшиланмоқда. Чет эллардан атласимизни сўраб талабномалар келиб турибди. Мапа, бир хат, буни Америка Қўшма Штатларидан ёзишибди, ушн бир америкалик хоним йўллабдилар:

«Атласингизнинг довруги оламга кетибди. Мен Канадада бўлган халқаро кўргазмада иштирок этдим. Атласингизнинг ёнидан кетолмай қолдим. Адресингизни сурштириб аранг топдим. Фирмангиз билан қандай алоқа ўрнатсам бўлади?

Агар рухсат берсангиз мен шаҳрингизга ва шахсан сизга меҳмон бўлиб борсам. Атлас қандай тўқилишини ўз кўзим билан кўрмоқчиман. Мен ўқиган асман, оламда тўққиз хил

ранг борлигини биламан, «Шахмат», «Келинчак», «Намозшом», номи билан аталадиган атласларингизда тўққиз ранг эмас, тўққиз минг ранг бор эканини кўриб ёқамни ушлаб қолдим. Во, ажабо, инсон қўли шунчалик мўъжизакор ва сехрли бўладими, қойил қолдим.

Сизга гойибона мафтуи бўлиб, зўр ҳурмат билан Эллахошим».

Мактубдан ғоят хурсанд бўлдим, унга миннатдорчилик билдириб, жавоб ёздим.

Бундай хатлар кўнлаб келиб туради. Ўз вақтида жавоб қиламан. Тап олиб айтайки; қандай юрт, қандай тузум, қандай миллат ва қандай эътиқодда бўлишидан қатъи назар, аёллар бари бир аёл экан. Нафосатинг мафтуни, гўзал нарсани кўрдими тамом, унинг ёшидан кетолмай қолади, оёқлари юршдан тўхтайдн. Ҳаммамиз ҳам шундаймиз..:

Инсон катта йўлга чиққунча қанча-қанча сўқмоқлардан, машаққатли йўллардан гоҳ айланиб, гоҳ қоқилиб ўтиб боради. Сўқмоқдан борувчи доим катта йўлни кўзлайди. Афсуски, катта йўлга чиққач, унинг охири фақат — йўқлик. Баъзан одамлар «биз дунёга қайта келамиз, аммо биров бўлиб» деб юрадилар. Бу тўғри фалсафами, албатта йўқ. Биз қайта келмаймиз, ҳеч ким бўлиб келмаймиз. Бизга ҳаёт бир бор берилмади, буни унутган ўзидан кўрсин.

Осмошнинг чегараси ва чегри бўлмаганидек, армошнинг ҳам ниҳояси бўлмас. Эзгуликнинг эса ҳеч қачон кечи йўқдир.

Мен одам бўлиб, аёл бўлиб яралганимдан хафа эмасман. Ҳаётда ўз ўрним бор, мен одамларга керакман. Буни айниқса кейинги йилларда янада ёрқинроқ, яхшироқ англай бошладим. Бир кунда қанчадан-қанча ишларни битираман, қанча хужжатларга қўл қўяман, қанча-қанча одамларга қўлимдан келганича яхшилиқ қиламан, раҳматлар эшитаман. Демак, ўрним борлиги шудир. Буларнинг ҳаммаси яхши, бироқ шу билан бирга кўнглим ҳижил, дафтарим охирлаб қолди, мана унинг сўнги саҳифаларини ёзипман. У тугаётганидан қафаман.

* * *

Мана, яна ёлғиз ўтирибман. Биз, қаҳрамонлар «мурод-мақсадларига етдилар» деган гаплар билан китобларни ёпишга ўрганиб қолганмиз. Менда бундай эмас, қаҳрамонларнинг мурод-мақсадлари одамларга боғлиқ, хаёлимдаги

одам ҳам, мен ҳам ёлғизликда яшаяпмиз. Бизларнинг қовуш-моғимизга болаларнинг рафи йўқроқ. Одамлар болаларга бу гапларни шипшитиб қўйишганларида, улар ўйлаб-нетиб ўтирмай рад жавобини айтибдилар. Демак, улар рози эмаслар. Нима қилишим керак? Юрак амри-чи, одамлар нима дейдилар, гап қўпаймасмикан? Хаёлимдаги одам эса ҳамон мендан жавоб кутяпти, сабрсизлик билан кутяпти. Унга ҳам қийин, уни ўйламасдан иложим йўқ. Болаларим-чи?!

Қўриб турибсиз, буни кўпгил дейдилар. На чора, мен икки ўт орасида ёняпман. Нима қилай, айтнинг дунёдан шундай ўтиб кетганим маъқулми? Унда юрак, кўпгил-чи? Аёллигим, ҳисларим, муҳаббатим-чи?

* * *

Бугун нафақат мен, шаҳар ички ишлар бўлимидаги танишим ҳам, ёзувчи дўстим ҳам елкамиздан оғир юк тушгандай енгилмиз. Балки «Қундалик»нинг эгаси энди топилар.

Ўзингиздан хабар берсангиз, энг аввало «Қундалик»нинг икки кишигагина даҳли бўлган жойларини атайлаб қолдириб кетганлигим учун Сиздан кечирим сўрамоқчиман ва қўл-ёзмагизни ўзингизга қайтармоқчиман.

Қўришгунча хайр!

1987—1991 йил.

ТАМОМ

ОЛИМЖОН ХОЛДОР

«КЎНГИЛ» (қисса)

Муҳаррир

М. ХУДОЕРОВ

Мусаввир

Н. БЕҚМУРОДОВ

Мусаҳҳиҳ

Ф. СИДДИҚОВ.

Теришга берилди 15.05.92 й. Босишга рухсат этилди 17.06.92 й.
Формат 60x84 1/16 юқори босма усулида босилди. 3,25 босма тобоқда.
Муқоваси офсет усулида босилди. Буюртма 4036. Тиражи 10.000 нусха.
«Андижон» нашриёти босмаҳонасида чоп этилди.

Баҳоси 10 сўм.